



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРА АКАДЕМИЯСИ**

**Магистратура босқичи Прокурорлик фаолияти йўналиши  
тингловчиси Полвонов Нажмиддин Аслиддиновичнинг**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА МУСОДАРА  
ИНСТИТУТИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАР МАВЗУСИДАГИ.**

**МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар: ю.ф.н. F.M.Шодиев**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

## **Диссертациясининг қисқача аннотацияси**

Магистрлик тадқиқот ишида жиноят-процессуал қонунчилигига мусодара институтининг умумий хусусиятлари, мол-мулкни мусодара қилишни таъминлашнинг процессуал ва ташкилий масалалари, халқаро стандартларда ва хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига мол-мулкни мусодара қилишнинг ҳуқуқий тартиботи таҳлил қилинган. Бундан ташқари, мол-мулкни мусодара қилиш борасидаги процессуал қоидаларнинг тарихий ҳуқуқий асослари ва Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабати ёритилган.

Тадқиқот натижасига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг Лойиҳаси тайёрланган ҳамда мол-мулкни мусодара қилишнинг процессуал жиҳатлари борасида назарий хulosалар ишлаб чиқилган.

## **Краткая аннотация диссертации**

В магистерской исследовательской работе проанализированы общие аспекты института конфискации в уголовно-процессуальном законодательстве, процессуальные и организационные вопросы обеспечения конфискации имущества, правовое регулирование конфискации имущества в международных стандартах и уголовно-процессуальных законодательствах некоторых зарубежных стран. Кроме того, изложены исторические правовые основы процессуальных правил о конфискации имущества.

По результатам исследования подготовлен Проект закона «О внесении изменений и дополнений в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан», а также разработаны теоретические выводы о процессуальных аспектах конфискации имущества.

## **Brief abstract of the dissertation**

The master's research work analyzes the General aspects of the institution of confiscation in criminal procedure legislation, procedural and organizational issues of ensuring confiscation of property, legal regulation of confiscation of property in international standards and criminal procedure legislation of some foreign countries. In addition, the historical legal basis of procedural rules on confiscation of property is described.

Based on the results of the research, a Draft law "On amendments and additions to the Criminal procedure code of the Republic of Uzbekistan" has been prepared, as well as developed theoretical conclusions on the procedural aspects of confiscation of property.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>5</b>
<b>I БОБ. ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА МУСОДАРА ИНСТИТУТИНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....</b>	<b>10</b>
1.1. Мол-мулкни мусодара қилиш тушунчаси ва жиноят-процессуал жиҳатлари.....	10
1.2. Мол-мулкни мусодара қилиш борасидаги процессуал қоидаларнинг тарихий ҳуқуқий асослари.....	21
1.3. Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат.....	27
<b>II БОБ. МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВА ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>33</b>
2.1 Жиноят ишида хатланадиган мулк обьектлари ва мулки хатланадиган шахслар доираси.....	33
2.2 Мол-мулкни хатлаш ва уни бекор қилишнинг процессуал тартиби....	39
2.3 Хатланган мол-мулкни сақлашнинг ташкилий ва процессуал масалалари.....	47
<b>III БОБ. ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРДА ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАХЛИЛИ.....</b>	<b>55</b>
3.1. Мол-мулкни мусодара қилиш бўйича халқаро стандартлар.....	55
3.2. Айрим хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига мол-мулкни мусодара қилиш ва уни таъминлаш масалаларининг тартибга солиниши.....	66
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>78</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>83</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>94</b>

## **КИРИШ**

**Мавзу асосланиши ва долзарбилиги.** Бугунги Ўзбекистон ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида жадал ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги билан тавсифланади. Бундай ислоҳотлар натижаси бўлган янгиланишлар бевосита ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада тўлароқ таъминлаш, халқ манфаатларини рўёбга чиқариш, шунингдек, қонунларга риоя қилишнинг ҳуқуқий рағбатлантирувчи тизимини яратишга қаратилган. Бу жихатдан, жиноятчиликка қарши қурашиш борасида қўлланиладиган асосий қонун ҳужжатларини замон талаблари ва халқаро қоидаларга асосланган тарзда қайта ишлаб чиқиш жараёнлари амалга оширилаётганлиги ва ҳозир ҳам кўплаб қонунлар такомиллаштирилиб борилаётганлиги тадқиқот мавзу бўлган мол-мулкни мусодара қилиш масаласи қонун ижодкорлиги соҳасида долзарб мавзуга айланганлигидан далолат беради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон Қарорида Жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш соҳасида тўхтатилган жиноят ишлари доирасида тақиқ қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдирини ҳал қилишни тартибга соловчи жиноят-процессуал нормаларни қайта кўриб чиқиш масаласига алоҳида тўхтаб ўтилганлиги мусодара институтининг аҳамиятини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонларидан тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк даҳлсизлигини амалда таъминлаш бундан бўён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш эканлиги хусусидаги фикрлари жиноят ишларини юритишда хусусий мулк даҳлсизлигини таъминлаш ва ушбу масала устида

тадқиқотларни амалга ошириш давлат сиёсатининг амалда ижроси бўлиб хизмат қиласди.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда рўй берадиган ўзгаришларнинг барчасини мезонига фуқароларимизнинг хуқуқ ва эркинликлари, халқнинг давлат органларидан розилиги, камбагалликни камайтириш асос қилиб олинган. Ўзбекистоннинг дастлабки норматив хужжатларида инсонларнинг мулкдор бўлиш хукуклари (36-модда) ва барча мулк шаклларининг тенглиги (53-модда) конституциявий хуқуқ сифатида эътироф этилди. Натижада турли шаклдаги мулк обьектлари вужудга келди ва жиноят процессида ҳам мулкий масалаларни ҳал этишга бевосита таъсир қўрсатди. Бу ҳолат тадқиқот мавзуси долзарблигини қўрсатувчи яна бир омил бўлди.

Мулк азалдан инсон ҳаётида, жамият ривожланишида муҳим рол ижро этган. Мулк билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳар доим жиддийлик ваadolатни талаб этган. Буни шўролар ғоясидаги хусусий мулкнинг инкор этилиши мисолида кўрадиган бўлсак, жамиятнинг ва давлатнинг инқирозига айнан мулкчилик шаклларига бир муносабатда бўлинмаслиги, инсоннинг мулкдор бўлишга интилиши хусусиятларининг тан олинмаганлиги сабаб бўлди. Қолаверса, жиноий жазоларнинг либераллашуви муносабати билан мол-мulkни мусодара қилиш жазо сифатида тугатилган бўлишига қарамасдан, оддий фуқаролар нигоҳида тушунмовчиликларга сабаб бўлаётган жиноят – процессуал жавобгарлик сифатида мусодара ва хатлаш институтларининг мавжудлиги, хатланган мулкнинг ижрога қаратилиши эҳтимоли бўлганлиги ҳам мазкур мавзунинг долзарблигини қўрсатади.

Жиноят процессида ҳақиқатни қарор топтириш, жиноятчиликни камайтириш, жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши туфайли бузилган хукукларни тиклаш учун исбот қилиш фаолияти ва қарорлар қабул қилишнинг ўзи етарли эмас, унинг ижроси таминланганда гина мақсаддага эришилади. Ҳукмнинг мулкий масалаларини

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси //<https://president.uz/uz/lists/view/1328>

ҳал қилишни назарда тутувчи қисми ижросини таъминлаш қўплаб амалий муаммоларга сабаб бўлади. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бўлишига қарамасдан, мазкур мавзу ҳар доим долзарб аҳамият касб этган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг жиноят қонунчилиги бўйича ҳам, жиноят-процессуал қонунчилиги бўйича ҳам бирорта мусодара ёки уни таъминлаш масаласида илмий тадқиқот иши олиб борилмаганлиги мазкур мавзу долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот объекти сифатида жиноят ишларини юритишда мулкни мусодара қилиш ва уни таъминлаш борасида вужудга келадиган процессуал муносабатлар танланди. Тадқиқотнинг предмети жиноят ишларини юритишда мулкни мусодара қилиш ва уни таъминлаш борасидаги нормалар ва юридик адабиётлардаги ғоялар, фикрлар, илмий ёндашувлар ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Магистрлик диссертациянинг асосий мақсади жиноят ишларини юритишда мулкни мусодара қилиш ва уни таъминлаш масалаларини назарий жихатдан ўрганиб чиқиб, улар юзасидан келиб чиқсан саволларга жавоб кидириш, соҳа илм фани тараққиётига, тергов амалиётининг ривожига ва қонунлар такомиллашишига ҳисса қўшишдир.

Ушбу мақсад тадқиқотнинг:

жиноят ишларини юритишда мулкни мусодара қилишнинг ҳукукий табиати ва моҳиятини очиб бериш;

жиноят ишларини юритишда мулкни мусодара қилишнинг аҳамияти ҳамда тутган ўрнини кўрсатиб бериш;

жиноят ишларини юритишда мулкни мусодара қилишни таъминлашнинг тартиб таомилини ёритиш;

жиноят ишларини юритишда мулкни мусодара қилишга асос бўлган ҳолатлар хусусида миллий қонунчилигимиз ва унинг амалиётини таҳлил қилиш;

жиноят ишларини юритишда мулкни мусодара қилишга асос бўлган ҳолатлар ва уларни таъминлашга хориж амалиёти ва қонунларини ўрганиш;

жиноят ишларини юритишда мулкни мусодара қилишга асос бўлган ҳолатлар юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва хulosаларни ишлаб чиқиш вазифаларини белгилаб беради.

**Илмий янгилиги.** Жиноят-процессуал қонунчилигига мусодара институтининг умумий хусусиятларини, мол-мулкни мусодара қилишни таъминлашнинг процессуал ва ташкилий масалаларини, хорижий давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигига ва халқаро хужжатларда мол-мулкни мусодара қилишнинг ҳуқуқий таҳлилини комплекс тарзда қамраб олган жиноят процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясига асосан тадқиқ қилинганлигидир.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили.** Е.В.Коленко, М.М.Мамасиддиқов, Ф.А.Абдумажидов, Н.С.Алексеев, В.А.Азаров, И.Р.Астанов, Б.Х.Халилов, Х.А.Каримов, Ф.М.Шодиев, Т.Тиллаев, Б.Б.Хидоятов, У.А.Тухташева, Ф.М.Муҳитдинов, Ш.Ф.Файзиев, Ф.Н.Багаутдинов, Б.Т.Безлепкин, Б.Х.Пулатов, И.Е.Быховский, В.Г.Власенко, Н.И.Газетдинов, З.З.Зинатуллин, З.Д.Еникеев, А.Г.Мазалов, В.В.Калницкий, А.С.Карпиков, З.Ф.Коврига, В.М.Корнуков, Ф.М.Кудин, Ю.Д.Лившиц, Ф.М.Муҳитдинов, В.В.Николюк, Е.С.Никулин, И.Л.Петрухин, В.Ч.Понарин, М.С.Строгович, Г.З.Тўлаганова, А.П.Рыжаков, В.С.Чистякова, В.Н.Чичко, В.С.Шадрин, С.А.Шейфер<sup>\*</sup> ва бошқалар жиноят ишларини юритишда мол мулкни хатлаш тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш масалаларига тўхталиб, таҳsingа сазавор фикрларни илгари сурғанлар. Бизнинг тадқиқотимизда асосан жиноят-процессуал қонунчилигига мулкни мусодара қилиш ва уни таъминлаш чораларининг аҳамияти, уларнинг қўллаш тартиби ва уларнинг

\* Ушбу муаллифларнинг мавзу доирасидаги асарларини Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

шахс хуқук ҳамда қонуний манфаатларини ва мулк даҳлсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан такомиллаштиришга қаратилган.

**Тадқиқот услублари.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг илмий асарлари, қонунлар ва фалсафа, мантиқ, хуқук, тарих, социология фанларига оид услубий қоидалар, ижтимоий-хуқуқий тадқиқотларда фойдаланиладиган билиш усуллари ташкил этади. Шунингдек, тадқиқотда илмий асослаш, тарихийлик, социологик, статистик ва қиёсий-хуқуқий усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, мавзу юзасидан назарий тушунчалар таҳлил қилинган; қонунчиликни ривожлантиришда тадқиқот мавзуси соҳаси камчилик ва истиқболлари юзасидан хуросалар ишлаб чиқилган; жиноят ишларини юритишида мулкни мусодара қилиш ва уни таъминлаш амалиётини такомиллаштириш ва шу соҳадаги жиноят-процессуал хуқуки нормаларини тўғри ва асослантирилган ҳолда кўллаш тавсиялари илгари сурилган. Илмий тадқиқот иши натижалари бўлган таклиф ва тавсиялар шунингдек, илмий тадқиқот ишида келтирилган фикрлар таҳлилидан ва матнида жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фанларнинг ўқув жараёнларида, илмий тадқиқотлар ва қонунчиликни такомиллаштириш жараённада фойдаланиш мумкин.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Тадқиқот иши кириш, уч боб, саккиз параграф, хуроса, фойдалилган адабиётлар рўйхати ва илова каби қисмлардан иборат.

# **І БОБ.        ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ        ҚОНУНЧИЛИГИДА МУСОДАРА ИНСТИТУТИНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.**

## **1.1. Мол-мулкни мусодара қилиш тушунчаси ва жиноят-процессуал жиҳатлари.**

Хуқуқ илмида мол-мулкни мусодара қилиш жиноят қонунчилигига хосми ёки жиноят-процессуал қонунчилигига, деган масала хусусида фикр кўпчиликни ўйлантириб келган. Бу жиноят ва жиноят процессуал қонун нормаларининг алоҳида соҳаларга ажратишдан келиб чиқади. Жиноятчиликка қарши курашиб соҳа қонунларини соҳаларга бўлиш МДҲга аъзо мамлакатларга хос. Ҳар бир мамлакатнинг қонун чиқарувчи органи томонидан жазо турлари орасида мол-мулкни мусодара қилишни белгилаш масаласи ушбу давлат сиёсати ҳамда устувор ижтимоий фикрларга боғлиқ тарзда ҳал қилинади. Шунинг учун ҳам турли давлатларда мол-мулкни мусодара қилиш билан боғлиқ турли позициялар мавжудлиги кузатилади.

Ҳозирги кунда кўпчилик мамлакатлар қонунчилигига мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча чора ҳисобланади<sup>1</sup>.

Хуқуқда мол-мулкни мусодара қилишга нисбатан умумий ёки маҳсус чоралар сифатида ёндашинилади. Маҳсус жазо сифатида мол-мулкни мусодара қилиш жазолар тизимида мавжуд бўлади. Худдики, бир вақтлар миллий қонунчилигимизда мусодара қилиш жазоси мавжуд бўлиб, 2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қонуни билан жазо чораси сифатида чиқариб ташланганлиги каби.

Олдинги таҳрирдаги Жиноят кодексининг 53-моддасида «Мол-мулкни мусодара қилиш маҳкумнинг мулки бўлган мол-мулкнинг ҳаммасини ёки

---

<sup>1</sup> Eser A. Die Strafrechtlichen Sanktionen gegen das Eigentum. Tübingen, 1969

муайян қисмини ҳақ тўламасдан мажбурий равища давлат мулкига ўтказишидан иборатдир» деб белгиланган эди. Мол-мулкни мусодара қилиш фақат жазонинг қушимча тури сифатида жиноят квалификация қилинган модда санкциясида кўзда тутилган ҳолатларда қўлланиши мумкин эди. Мол-мулкни мусодара қилишни тайинлашда суд ҳар бир муайян вазиятда жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, айбнинг даражаси ва судланувчининг шахсини инобатга олар эди. Ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб жинояти учун мол мулкни мусодара қилиш зарурий қўшимча жазо сифатида кўзда тутилганда суд мазкур жазо турини қўллашни мақсадга мувофиқ деб топмаслиги ҳам мумкин эди<sup>1</sup>.

Мол-мулкини қисман мусодара қилишда айнан қайси мулклар мусодара қилиниши лозимлиги кўрсатилар эди ва ушбу мулкларни ҳақини тўлаб, маҳкумга қолдириш мумкин эмас эди. Мол мулкни мусодара қилиш маҳкумнинг барча мулкига қаратилган ҳолларда фақат маҳкумга тегишли мулк обьектларига қаратилган, бошқаларнинг хусусан яқин қариндошларнинг мол-мулкига қаратилмаган<sup>2</sup>.

Ўша давр қонунларида ҳам маҳкумнинг оиласи нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ҳамда жиҳозлари, кийимлар ва бошқа буюмлар мусодара қилинмаслиги қонунда назарда тутилган эди<sup>3</sup>. Суд амалиётида агар жиноятнинг санкциясида жазо сифатида назарда тутилган бўлса, маҳсус жазо сифатида мол-мулкни мусодара қилишда ҳам жиноий йўл билан топилган мол-мулк, жиноят куроли, жиноят нарсасини қамраб олган.

Умумий чора сифатида мол-мулкни мусодара қилиш, бизнинг қонунчилик тизимида процессуал қонун нормалари билан белгиланган. Булар ҳукмнинг мулкий ундирувлар қисмида ўз аксини топиши белгиланган. ЖПК 35-боби «Ҳукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997. – 85-86-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша жойда

<sup>3</sup> ЖК 53-моддасининг 2001 йилга бўлган таҳрирларига каранг.

қисми ижросини таъминлаш» деб номланади.

Кўплаб илмий адабиётлар ва айрим хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунида хукмнинг мулкий ундиришларга оид қисми ижросини таъминлаш «фуқаровий даъвони таъминлаш» деб юритилади.\*

Хукмнинг мулкий ундиришларга оид қисми ижросини таъминлашнинг чоралари ҳақида фикр юритилганда, бизнингча, фақат мол-мулкни хатлаш<sup>\*</sup> процессуал чораси назарда тутилади. Назарияда мол-мулкни хатлаш мажбурлов чорасими ёки тергов ҳаракатими, деган савол кўплаб тортишувларга сабаб бўлади.

Хукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш чорасини айрим адабиётларда тергов ҳаракатлари қаторига қўшадилар.<sup>2</sup> Б.Т.Безлекин фикрича, мол-мулкни хатлаш орқали иш учун аҳамиятга молик фактик маълумотлар йиғилмайди, мол-мулкни хатлаш баённомаси далил манбалари қаторига кирмайди. Олим бу ҳаракатни нафақат тергов ва жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш балки суд муҳокамасида қўлланилиши мумкин бўлган процессуал мажбурлов чораси деб билади.<sup>3</sup>

Бизнингча, проф. Ф.А.Абдумажидовнинг мол-мулкни хатлаш фақат мулкий зарарни қоплашга ёки мулкни мусодара қилиш эҳтимолини таъминлашга йўналтирилганлиги, терговчининг исбот қилиш фаолияти билан боғлиқ бўлмаганлиги учун тергов ҳаракати ҳисобланмайди, деган фикрлари ўринли<sup>4</sup>.

\* Мисол учун Белорусь ЖПК 156–моддасида буни яққол кўриш мумкин. Бу масала бизнинг қонунчилигимизда тўғри ҳал этилган. Сабаби хукмда назарда тутиладиган мулкий жавобгарлик фақат фуқаровий даъвони таъминлашдан иборат эмас.

\* Жиноят-процессуал конунда мулқдан фойдаланиш, тасарруф этиш ва егалик хуқуқини вақтинчӣ чеклаб туришнинг барча турлари “хатлаш” атамаси билан ёритилган. Бу ҳақда диссертациянинг учинчи бобида батафсил тўхталамиз.

<sup>2</sup> Қаранг: Газетдинов Н. И. Деятельность следователя по возмещению материального ущерба. Казань, 1990. - С.50; Уголовный процесс. Учебник для вузов. Под общей ред. А. С. Кобликова. - М., 1999. - С.182-184;. Якупов Р. Х. Уголовный процесс: Учебник для: вузов / Под ред. В. Н. Галузо. – М., 1998. . - С. 247; Уголовный процесс: Учебник для вузов / Под ред. В. П. Божьева. 2-е изд., испр. и доп. – М., 2000. - С. 296-298.

<sup>3</sup> Безлекин Б. Т. Имущественные отношения в стадии предварительного рас-следования: Горький, - 1976. - С. 10.

<sup>4</sup> Қаранг. Абдумажидов Г. Проблемы совершенствования предварительного расследования. - Ташкент, 1975. - С. 10.

Бундан ташқари, мол-мулкни хатлашни тергов ҳаракатлари қаторига күшиб бўлмаслигининг яна бир аргументи Б.Х.Пулатов томонидан билдирилади. Унинг таъкидлашича, тергов ҳаракатлари фақат жиноят иши бўйича ўтказилади. Мол-мулкни хатлаш эса бошқа ҳукуқ соҳаларида ёки жиноят процессидан кейин ҳам қўлланилиши мумкин<sup>1</sup>.

Мол-мулкни хатлаш тергов ҳаракати эмаслиги Ўз. Рес. ЖПК ишлаб чиқилаётган пайтда инобатга олинган. ЖПК 87-моддасида назарда тутилган ҳолатларга қарайдиган бўлсак, унда кўрсатилган ҳаракатлар баённомаларидан далил манбаи сифатида фойдаланиш мумкин. Лекин мол-мулкни хатлаш баённомаси далилларни мустаҳкамлаш учун расмийлаштирилмайди.

Ҳукуқ назариясида мол-мулкни хатлаш комплекс процессуал ҳаракат сифатида нафақат мол-мулкни рўйхат қилиш ва ундан фойдаланишни тақиқлашдан балки хатланадиган мол-мулкни қидириб топишдан ҳам иборат, яъни мол-мулкни хатлаш қидирув характеристига ҳам эга.<sup>2</sup> Шу билан бирга А.П.Рыжаков мазкур процессуал ҳаракатнинг бош мақсади жиноий тажоввуз предметларини қидириб топиш эмас деб, тўғри айтган.<sup>3</sup>

ЖПК назариясида тергов ҳаракатлари мажбурлов чоралари қаторига киради, деб ҳисобловчи нуқтаи назар ҳам йўқ эмас. Буни қўпроқ англо-саксон типидаги жиноят процессига бағишиланган адабиётларда кўришимиз мумкин. Уларда мажбурлов чоралари хусусида сўз юритилганда нафақат мол-мулкни хатлаш ва тинтув, балки, олиб қўйишилар хақида ҳам сўз кетади.<sup>4</sup> Г.З.Тўлаганова эса, бу тинтув ва олиб қўйишиларни мажбурлов элементи аралашган тергов ҳаракатлари деб билиб, мол-мулкни хатлашни мажбулов ҳаракатлари қаторига киритиш

<sup>1</sup> Қаранг. Булатов Б.Б. Решения и действия в правоприменительной деятельности органов расследования в уголовном судопроизводстве // Проблемы повышения эффективности деятельности органов внутренних дел. - Омск, 1990. - С.105-106.

<sup>2</sup> Қаранг: Кальницкий В.В. Следственные действия. –Омск, 2001.-С.59.

<sup>3</sup> Қаранг..Рыжаков А.П. Возмещение вреда, причиненного преступлением.-М.,1999.-С.13.

<sup>4</sup> Қаранг: Гуценко К.Ф., Головко Л.В., Флимонов Б.А. Уголовный процесс западных стран. –М.: ЗЕРЦАЛО-М., 2001. –С. 48, 51, 362 и др.

керак, деган асосли таклифни илгари суради<sup>1</sup>. Назариядаги мол-мулкни хатлаш мажбурлов чорасими ёки тергов ҳаракатими деган савол атрофдаги илмий тортишувларга чек қўйиш мақсадида олиманинг назарий хуносасига тўлиқ қўшилса бўлади.

Мол-мулкни хатлаш асослари масаласи бу хусусида қарор қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади. В.В.Калницкий фикрича, мол-мулкни хатлаш асослари - жиноят натижасидаги моддий зарар ва бу зарарни қоплаш ҳақидаги талаб қилиниши эҳтимолини кўрсатувчи жиноят ишидаги маълумотлар ҳисобланади<sup>2</sup>.

Бу таърифни ижобий деб баҳолаш мумкин. Чунки жиноят ишларини юритишдаги аксарият қарорлар фақат уни чиқаришни тақазо қилувчи ҳолатлар тўғрисида маълумотлар (далиллар) етарли даражада мавжуд бўлса қабул қилинади.<sup>3</sup>

Бироқ, ҳукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлашни тақозо этадиган ҳолатлар масаласига ҳам этиборимизни қаратмоғимиз керак. Жиноят ишларида одатда мол-мулкни хатлаш фуқаровий даъво қилиниши муносабати билан қўлланилади. Терговчи зиён мавжуд бўлган иш юзасидан даъво қўзғатилишини «башорат» қилган пайтларда мулк хатланмайди. Давлат мулкига қаратилган жиноятлар бўйича иш юритилаётган ишлар бундан мустасно. Чунки жиноят натижасида давлат мулкига зиён етказилганида даъво қўзғатилиши муқаррар.

Бундан ташқари, амалиётда айрим ҳолларда жиноят натижасида

<sup>1</sup> Тулаганова Г. З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент, 2009. –Б. 10.

<sup>2</sup> Кальницкий В.В. Следственные действия: Учеб. пос. - 2-е изд., перераб. и поп. - Омск 2003: - С. 61.

<sup>3</sup> Процессуал ҳуққу манбалари ва адабиётларида кўп маротаба “далил” сўзининг синоними сифатида “маълумот” сўзи қўлланишини кузатилади. ЖПК 81-моддасида далиллаг таъриф берилганда ҳам “....ҳақиқий маълумот” дейилган. Бу ҳолат биргина бизнинг жиноят-процессуал қонунгагина хос эмас. Бошқа давлатларнинг қонунларида ҳам кузатилади. Рус олими Д.В. Тулянский ўз тадқиқот ишида далилларнинг “маълумот” деб аталашини “ҳолатларни аниклаш” назарияси орқали ёритиб беради. Унинг фикрича, агар исбот килишнинг барча элементлари мавжуд бўлмай туриб, муайян масалага идрок килиш йўли билан баҳо берлигандага “исбот қилиш” атамаси ўрнида “аниклаш” ва “далил” атамаси ўрнида “маълумотдан” сўзидан фойдаланилади. Қаранг:Тулянский Д.В. Стадия исполнения приговора в уголовном судопроизводстве. Афтотреф. дисс....канд. юрид. наук. М., 2004. - С. 16-17.

мулкий зиён аниқланган, бироқ фуқаровий даъво қўзғатилмаган ҳолатлар кўп юз берганлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Ўз. Рес. ЖПКнинг 276-моддасига мувофиқ, фуқаровий даъво жиноят иши қўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар қўзғатилиши мумкин. Шунинг учун ҳам шахсни фуқаровий даъвогар деб эътироф этишга суриштирувчи, терговчи ва прокурор ҳам ваколатли ҳисобланади.

ЖПКга кўра, фуқаровий даъво қўзғатиш учун жиноят ёки ақли норасо шахсни ижтимоий хавфли қилмиши туфайли шахс ўзининг зиён кўрганлигини билиши зарурдир. Лекин жиноят-процессуал қонуннинг бирор моддасида жиноят ёки ақли норасо шахснинг қилмиши туфайли мулкий зиён кўрган, лекин буни билмаган шахснинг хабардор қилиниши тўғрисида қоида белгиланмаган. Жиноят ишини юритишнинг фуқаровий даъвога оид қисми доирасини белгилаш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ихтиёрига боғлиқ бўлиб қолган. Бу эса, амалиётда айрим ҳолларда кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда. Хатланаётган ёки эркин муомалада бўлиши тақиқланмаган мол-мулкга нисбатан бошқаларнинг ҳуқуқлари инобатга олинмасдан қолинишига олиб келади. Мисол учун эрнинг жинояти учун хотинга тегишли бўлган мулк ҳам хатланади. Ёки жиноят қуроли сифатида ижара асосида фойдаланилган автомашинанинг ҳақиқий эгаси унинг хатланишидан хабар топмасдан қолади. Яна шундай ҳолатлар юз бериши мумкин-ки, лизинг шартномаси асосида қўлга киритилган лекин тўлиқ эгаликка ўтмаган мулклар хатланганида мулкни сотган шахслар (жумладан юридик шахслар) зиён кўриб қоладилар. Тўғри, уларнинг ҳуқуқлари фуқаролик суд ишлари тартибида ҳам ҳал қилиниши мумкин. Бироқ ортиқча харажат ва овворагарчиликка йўл қўйилади. Буларни олдини олиш учун ЖПКга Жиноят иши бўйича муайян шахснинг мулкий зиён кўрганлиги ва ундан хабарсиз эканлиги аниқланганда мазкур шахсга мулкий зиён хусусида хабардор қилиниши ва фуқаровий даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилиши шарт, деган қоида киритилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуртураси Академиясининг телеграм канали орқали амалиётчи ходимлар, жумладан Академия жамоаси ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда ҳам тўпланган овозларнинг 87%и ушбу таклифни ёқлаш, 10%и эса қаршилик мазмунида, 3%и «Жавоб беришга қийналаман» мазмунида бўлган (**З-илова**).

Жиноят процесси назариясида маънавий зиён ҳам фуқаровий даъво обьекти ҳисобланади. Жиноят ишини юритишда маънавий зиён масаласининг қўрилиши борасида кўплаб ривожланган давлатларда катта тажриба тўпланган. Лекин бизнинг юридик адабиётларда бу масала XX аср иккинчи ярмидан бошлаб ёритила бошланган. В.Г.Даев шахснинг шаъни ва қадр қимматига раҳна солувчи жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича фақаровий даъво бўлишини асослаб берган эди.<sup>1</sup> Ўша давр адабиётларида жиноят ишида маънавий зиён бўлиши ва унинг пул шаклида қопланиш ҳақида ёритилиши янглиш фикр сифатида қораланганд<sup>2</sup> лигини ҳам айтиб ўтишимиз даркор. Ҳозирда эса, маънавий зиённинг қопланиши устувор илмий концепция сифатида эътироф этилган. Жиноят ишида ёки реабилитация қилинганлиги муносабати билан ҳуқуқларни тиклаш масаласи кўрилаётганда маънавий зиённи пул шаклида қоплаш мумкинлиги ҳеч кимнинг қаршилигига учрамайдиган судлар фаолиятидаги кундалик қоидага ҳам айланиб улгурган.

В.С.Шадрин жиноят-процессуал қонунчилиги ҳар қандай асосли фуқаровий даъвони таъминлаш чораси қўрилишини, жумладан маънавий зиённи пул шаклида қоплаш тўғрисида ўринли талаб бўлганда унинг чорасини кўриш шарт деган қоидани илгари сурган.<sup>3</sup> Аммо жиноят-процессуал қонунчилиги бу борада ижтимоий муносабатлардан ва назариётдан ортда қолган десак муболаға бўлмайди. Чунки ЖПК 277-моддасида қўрсатилган фуқаровий даъво обьектлари қаторида маънавий зиён киритилмаган.

<sup>1</sup> Даев В. Г. Современные проблемы гражданского иска в уголовном процессе.- Л., 1972. -С. 55-70.

<sup>2</sup> Безлекин Б. Т. Возмещение вреда, причиненного гражданину судебно-следственными органами. - М., 1979. - С. 178.

<sup>3</sup> Шадрин В. С. Обеспечение прав личности при расследовании преступлений. –М., 2000. –С. 194.

Маънавий зиён кўрилганлиги ва уни қоплаш ҳақида талаб қилинганида унинг қийматини аниқлаб, уни қоплаш учун мол-мулкни қоплаш кўплаб қийинчиликларга сабаб бўлар. Лекин, Л.К.Трунова, В.В.Хатуева, А.Г.Финогенов, И.А.Сухаревскийлар жиноят процессида фуқаровий даъво маънавий зиённи қоплашнинг асосий усули эканлигини илмий асослаб берганлар.<sup>1</sup>

Бизнингча, фуқаровий даъво обектлари қаторида маънавий зиён кўрсатилиши учун ЖПК 275-моддасини «Бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий *ва маънавий* зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда сугурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади» тарзида баён қилиш керак. Шунда жиноят ишида маънавий зиённи пул шаклида қоплаш ҳақида талаб бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд мол-мулкни хатлашда маънавий зиённинг пул шаклидаги қийматини ҳам инобатга олади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуртураси Академиясининг телеграм канали орқали амалиётчи ходимлар, жумладан Академия жамоаси ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда ҳам тўпланган овозларнинг 72%и ушбу таклифни ёқлаш, 24%и эса қаршилик мазмунида, 4%и «Жавоб беришга қийналаман» мазмунида бўлган (**З-илова**).

Юридик адабиётларда жиноят ишини юритишда мол-мулкни хатлашга асос бўладиган яна бир ҳолат шахс айбланаётган ёки гумон қилинаётган жиноят учун жарима тарзидаги жазонинг назарда тутилганлиги ёки процессуал мажбуриятларни бажармаганлик ёхуд процессуал тартиби니 бузганлик учун процессуал жавобгарлик сифатида

<sup>1</sup> Трунова Л. К. Гражданский иск о компенсации морального вреда в уголовном-: судопроизводстве:: Автореф. дис. канд . юрид... наук.. - М., 1999. -С. 7.; Хатуева В. В. Проблемы возмещения морального вреда в уголовном процессе России: Автореф. дис... канд. юрид. наук. - Волгоград; 2000: - С. 10.; Финогенов А. Г. Предмет доказывания при производстве по гражданскому: иску в уголовном процессе: Автореф. дис.. канд. юрид. наук. - Краснодар, 1998:.. - С. 13.; И.А. Сухаревский Компенсация морального вреда в уголовном судопроизводстве: Автореф. дис... канд: юрид. наук. - Краснодар, 2003: - С.7.

жарима (пул ундиришлар) асос бўлиши мумкинлиги ҳақида таъкидланади<sup>1</sup>.

Лекин бу фикр бизнинг қонунларимиз мазмунига умуман зид. Чунки Жиноят кодекси 44-моддаси ва Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддасига кўра, жиноятга жазо тариқасида айбдордан давлат даромадига белгиланган миқдорда пул ундиришни назарда тутувчи жарима жазоси ҳукм қилинган шахс томонидан ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч ойлик муддат ичидаги равишда тўланиши шарт. ЖПК 533-моддасига кўра, олти ойгача кечиктиришга ёки тўловларни бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйилиши мумкин.

Агар маҳкум жазо тариқасида тайинланган жаримани тўлашдан уч ой мобайнида бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазосининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдордаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Қамоқнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. (ЖК, 44-модда, иккинчи қисм). Шунинг учун ҳам жарима жазосини олдиндан «суғурталаш»нинг кераги йўқ.

Процессуал жавобгарлик ёки маъмурий жазо сифатида жарима (ёки пул ундиришлар ҳам ҳукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш чорасини қўллашга асос бўлмайди. Чунки, биринчидан у ҳукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисмига тааллуқли эмас. У алоҳида суд ажрими билан қўлланилади. Боз устига ҳукмда факат судланувчининг жавобгарлиги ҳақидаги қоидалар белгиланади. Айланувчи судда тартибни бузганлик учун жаримага тортилиши мумкин эмас, у суд залидан чиқариб турилиши мумкин. (ЖПК, 272-модда, учинчи қисм).

<sup>1</sup> Багаутдинов Ф.Н. Наложение ареста на имущество и ценные бумаги по УПК РФ // Российский следователь. – 2002. -№10. – с.5.

Жиноят процессида мол-мулкни хатлашга асос бўладиган яна бир ҳолат гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноий йўл билан топган ўзида ёки бошқалар кўлида бўлган мол-мулки масаласи алоҳида ўрганилиши керак.

ЖПК 285-моддасига биноан айбланувчи томонидан жиноий йўл билан орттирилган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан етказилган мулкий зиённи қоплаш учун сарфланади, зиённи қоплашдан ортган сумма эса, давлат фойдасига ўтказилади. Демакки, бундай мол-мулк ҳам хатланади.

А.А.Чувилев жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни хатлаш заруриятини илмий асослашга ҳаракат қилган. Олим бундай мол-мулкка нафақат жиноий усулларда топилган мулклар, балки жиноий ҳаракатлар натижасида вужудга келган пул-маблағларга олинган бошқа нарсаларни киритган<sup>1</sup>. Бу қоидани давомини Ўз. Рес. ЖПКда учратиш мумкин. ЖПКнинг 285-моддаси иккинчи қисмига кўра, жиноят нарсаси бўлмиш мол-мулк учинчи шахсларда топилиб, улардан тортиб олинган ва тегишлигига қараб, қайтарилиган бўлса, судланувчи томонидан ушбу мол-мулкни сотиш йўли билан орттирилган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади. Мол-мулкни ҳалол йўл билан топган пулига сотиб олган шахсга бу мол-мулк эгасига қайтарилиши натижасида етказилган зиённи ундириш ҳақида маҳкумга нисбатан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш хуқуқи тушунтирилади. Бу билан биринчидан, мулкни сотиб олаётганда фуқароларнинг сотувчининг қонуний фаолиятини ва буюмнинг қонунийлигини текшириш ҳамда бефарқликнинг олдини олади. Лекин, негадир аксарият жиноят-процессуал қонунларга берилган шарҳларда ва дарсликларда жиноий йўл билан топилган мол-мулк ва унинг эвазига сотиб олинган нарсаларни хатлаш хусусида баён қилинмайди.

---

<sup>1</sup> Уголовный процесс: Учебник. – М.: Спарк, 1998. – С. 300.

Юридик адабиётларда жиноий йўл билан топилган мол-мулқдан фуқаровий даъвони таъминлаш учун фойдаланиш мумкин эмаслиги хусусида ҳам айтилади. 3.3. Зинатуллин ашёвий далиллар жиноят натижасидаги моддий заарни қоплашга жалб қилинмаслиги, улар ишнинг фактик ҳолатларини аниқлашга, айборларни фош этишга восита бўлишини таъкидлаган эди<sup>1</sup>. В.В. Кальницкий фикрича эса, жиноий йўл билан топилган мол-мулқ ашёвий далил сифатида олиниши ва давлат фойдасига ўтказилиши керак, жиноят натижасидаги моддий заарни унинг ҳисобидан қопланиши мумкин эмас<sup>2</sup>.

Жиноят процессида процессуал чиқимларни қоплаш зарурияти учун чиқимлар ҳисобланган пайтда терговчи, прокурор ёки суд мол-мулкни хатлайди.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунга мувофиқ, мол-мулкни хатлашга ва олиб қўйишга асос бўладиган яна бир ҳолат жиноят куроли масаласидир. Амалдаги жиноят-процессуал қонунига мувофиқ жиноятни содир этишда курол сифатида фойдаланилган восита, ашё мусодара қилинади. Унинг мусодара қилинишини таъминлаш учун хатланади ва олиб қўйилади. Бундай қараш собиқ шўролар даврида ҳам мавжуд эди. Ўша давр қонунларига берилган шарҳларда ҳам айбланувчи томонидан жиноятни содир этиш қўлланилган ҳар қандай курол сифатида фойдаланилган ашё, эркин муомалада бўлишидан қатъий назар, мусодара қилиниши таъкидланарди<sup>3</sup>. Бу қоида шўро тузуми учун адолатли бўланлигидир. Чунки хусусий мулкнинг мақоми белгиланмаганлиги учун жиноятда курол сифатида фойдаланилган ашё давлат эгалигига осон ўтиб кетар эди.

<sup>1</sup> Зинатуллин З.З. Уголовно-процессуальное принуждение и его эффективность. - Казань, .1981.-С. 64.

<sup>2</sup> Кальницкий В.В. Следственные действия. –Омск, 2001.-С. 86

<sup>3</sup> Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига шархлар. Масъул мухаррир Ф. С. Бакиров. - Тошкент, 1969. – Б. 69-70.; Научно-практический комментарий УПК РСФСР. Под ред. Л. Н. Смирнова. - Москва: Юридическая литература, 1970. – Б. 129.

## **1.2. Мол-мулкни мусодара қилиш борасидаги процессуал қоидаларниг тарихий ҳуқуқий асослари.**

Мол-мулкни мусодара қилиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Жиноят содир этганлик учун шахснинг мулкини мусодара қилиш қадим Рим ҳуқуқида мавжуд бўлган. Ҳатто, мусодара сўзининг байналминал сўз сифатида тарқалишига ҳам Рим ҳуқуқи муҳим рўл ўйнаган. Рим давлатида «Мусодара қилиш» даставвал паблитио (publicatio) деб аталган, кейинчалик эса, мусодара қилинадиган нарсаларга нисбатан фиск сўзи ишлатилган (fiscus - «корзина» ёки «денежный ящик» «давлат хазнаси») ишлатилган. Бу машҳур «конфискация» (confiscatio) сўзининг келиб чиқишига сабаб бўлган<sup>1</sup>.

Рус андозасидаги жиноят-процессуал қоидалар кириб келгунга қадар юртимиизда бўлган шариат нормаларида ҳам мусодара қилиш тушунчasi бўлган. Мисол учун шариатда қарздор имкони бўла туриб қарзни қайтармаса, шу қарз қийматига teng бирон бир мулкини мусодара қилишга рухсат берилган. Аммо қарздор имкони йўқлигидан қарзини беролмаётган бўлса, мол-мулкини мусодара қилиш мумкин эмас<sup>2</sup> эди.

Туркистон генерал губернаторлигини 1867 йил 11 июлда ташкил топғанлигини инобатга олиб айтадиган бўлсак, Рус империясининг ўша даврдаги қонунлари ҳам бизнинг ҳудудларда тадбиқ қилинган. Россияда илгаридан бошқа номлар асосида мусодара институти мавжуд бўлган бўлсада, 1845 йилги Жиноий ва тузалиш жазолари тўғрисидаги Тузукларда жиноят учун жазо сифатида эмас, балки жазони ижро этиш оқибати сифатида сўз юритилган. 1864 йилги Жазолар тўғрисидаги Низомда эса, маҳсус конфискация қоидалари белгиланган<sup>3</sup>.

Уставнинг<sup>4</sup> 268-бандида иш ҳолатларидан айбланувчига пул ундириш тайинлашини ёки жиноятдан келиб чиқсан зарар ва камомадни қопланиши

<sup>1</sup> <http://www.brocgaus.ru/text/053/696.htm>

<sup>2</sup> <https://islom.uz/maqola/5231>

<sup>3</sup> Степанищев А.В. Проблемы правового регулирования применения конфискации имущества. М., 2000. С.72-76

<sup>4</sup> <https://constitution.garant.ru/history/act1600-1918/3137/>

мақсадида даъвони таъминлаш тақазо қилинса, суд терговчиси округ судига айбланувчи мулкига арест қўйиш ёки чеклаш ҳақидаги тақдимнома билан чиқиши, белгиланган эди. Мулкка арест қўйиш суднинг ваколатида бўлган.

Уставнинг 1162-бандига кўра, жиноят иши ҳал булгунча арестга олинган мулклар сотилиши мумкин эмаслиги, фақат тез айнийдиган ёки бузиладиган мулклар айбланувчининг розилиги билан жиноят иши ҳал бўлгунча сотилиши мумкинлиги баён қилинган.

Уставнинг 959-бандига мувофиқ, судланувчи суддан яширинганда (қочиб кетганда) уни жазога тортиш топилгунча кечиктирилиши, бироқ зарар ва камомад учун ундирув ҳамда пул ундирувлари айбланувчининг мулкига қаратилиши белгиланган.

Уставнинг 998-моддасида суд чиқимлари ҳукм қонуний кучга киргунга қадар вафот этган судланувчининг мулкига қаратилмаслиги, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин маҳкумнинг вафот этиши мулкий ундирувнинг унинг мулкига қаратишни истисно этмаслиги белгиланган.

Устав қабул қилинган даврдаги ижтимоий ҳуқуқий ҳолатдан келиб чиқиб, жиноят ишларини юритишида суднинг қарорисиз ҳам мусодара қилиш ҳолатлари белгиланган. Масалан Уставнинг 1174-бандида божхона органларига қўлга киритилган предметларни мусодара қилиш ва давлат хазинасиға ўтказиш хусусида қарор қабул қилиш бўйича қабул қилиш ҳуқуқи берилганлиги белгиланган:

- 1) товарлар, аравалар ва ташилаётган чорва моллари чегара чизиғида ташувчисиз ушлаб турилганда ва эгалари ёки уларнинг ваколатли вакиллари кундан бошлаб етти кун ичida божхона органларига ноқонуний ушлаб туриш тўғрисида шикоят қилмаган бўлса;
- 2) чегарадан ташқарида ушлаб турилган нарсаларнинг эгаси ёки ташувчиси уларни мусодара қилишга розилик билдирса ва уч кун ичida божхона томонидан ҳисобланган барча божхона жарималарини тўласа.

Россиядаги одил судлов тартибининг Марказий Осиё ҳудудида жорий қилиш дастлаб, 1865 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги вақтингчалик Низом» билан боғлиқ. Бу низом ўлкада рус империяси судловини жорий қилишнинг умумий шартлари, тамойиллари, тартиби ва шаклларига тааллуқли бўлган норматив кўрсатмаларни белгилаб берганди<sup>1</sup>.

1917 йилдаги октябрь тўнтариши Россия ҳукуқ оламида ҳам кўп ўзгаришларга сабаб бўлди. Жумладан, қасам ичганлар суди, хусусий адвокатуралар қатори Чор Россиясидаги тергов органлари ҳам тутатилди. Тергов органларининг янги тури – Ҳарбий революцион Кўмитанинг Москва, Петроград ва бошқа шаҳар ҳамда районларидағи Кенгашлари ҳузурида тергов комиссиялари ташкил этилди.

1922 йил 25 майда РСФСРнинг биринчи Жиноят<sup>2</sup> ва Жиноят-процессуал кодекси<sup>3</sup> қабул қилинди.

Жиноят кодексида қисман ва тўлиқ мусодара қилиш жазолари назарда тутилди.

РСФСРда 1923 йил 15 февралда янги таҳрирда Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди. РСФСРнинг 1923 йилги ЖПКда «Дастлабки терговни умумий шартлари» деб номланувчи 9-бобида гумон қилинувчи ва айбланувчи мол-мулкини хатлаш тўғрисида норма бор эди. Ушбу кодексда мол-мулкни хатлаш тергов ҳаракатлари қаторига киритилган ҳамда уни ўтказиш тартиби ҳамда асослари тинтуб ва олиб қўйиш тергов ҳаракатлари сингари белгиланган эди.

Туркистон АССР, Бухоро ХСР ва Хоразм ХСРларда янги қонунлар жорий қилинаётган бир пайтда шариат қоидалари ҳам амалда бўлган. Чунки шариат ва одат нормаларидан воз кечиш ниҳоятда қийин кечган.

<sup>1</sup> Баҳронов X. Мустамлакачилиқдан – мустақилликкача: Ўзбекистон Республикаси жиноят - процессуал қонунчилигининг ривожланиш тарихи / Маъсүл муҳаррир Ф. М. Мухитдинов. — Тошкент: Фалсафа ва ҳукуқ, 2007. – Б. 13-14.; Баҳронов X. Туркистонда подшо Россияси суд сиёсатининг мустамлакачилик хусусиятлари / Маъсүл муҳаррир Ф.М.Мухитдинов. – Тошкент: Фалсафа ва ҳукуқ, 2007. – Б. 11.

<sup>2</sup> [http://www.pravo.by/upload/pdf/krim-pravo/UK\\_RSFSR\\_1922\\_goda.pdf](http://www.pravo.by/upload/pdf/krim-pravo/UK_RSFSR_1922_goda.pdf)

<sup>3</sup> [http://pravo.by/ImgPravo/pdf/sm\\_full.aspx\\_guid=1711531479396414.pdf](http://pravo.by/ImgPravo/pdf/sm_full.aspx_guid=1711531479396414.pdf)

Шўролар империяси ташкил топиб, конституция қабул қилинганидан кейин 1924 йил 31 октябрда СССР ва иттифоқдош республикалар Жиноят суд ишларини юритиш Асослари ишлаб чиқилди. Жиноят ишларини юритиш тартибларига кўпгина ўзгартишлар киритишга сабаб бўлган ва жиноят процессининг умумий қоидаларини белгилаган мазкур асосларда ҳам мусодара қилиш қоидалари эскича кўринишини сақлаб қолди.

Ўрта Осиёда давлат чегараланиши ўтказилгандан кейин Ўзбекистон ССР Революцион Кўмитасининг 1924 йил 27 ноябрдаги қарори билан Туркистон АССР, Бухоро ХСР ва Хоразм ХСР худудларида олдинги жиноят-процессуал кодекслар амал қилиши эътироф этилди.

1926 йил 16 июнда Ўзбекистоннинг биринчи Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди.\* Ушбу кодексда мол-мулкни хатлашга алоҳида боб ёки бўлим ҳам ажратилмади, жиноят қуролинниг мусодара бўлиши (67-банд), терговчи фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида мулкни хатлаши мумкинлиги (118-119 бандлар), Жиноят кодексига мусодара бўладиган мулкни яширмаслик чораларини кўриши (119-а банди) белгиланган эди.

1929 йил 29 июлда қабул қилиниб, шу йилнинг 1 августидан кучга кирган Ўзбекистоннинг иккинчи Жиноят-процессуал кодекси олдингисидан тузилиш жиҳатидан ҳам, мазмuni жиҳатдан ҳам анча фарқ қиласди. У олдинги Ўзбекистоннинг 1926 йилги Жиноят-процессуал кодексидаги бўшликларни тўлдирмади, аксинча кўпайтирди<sup>1</sup>. Мол-мулкни хатлаш борасида терговчининг ваколатлари ўзгармасдан қолди. Фақат мол-мулкни хатлаш амалга оширилганда зудлик билан прокурорни хабардор қилиш керак, деган қоида киритилди (19-банд).

---

\* Мазкур жиноят-процессуал қонунининг қабул қилиниши билан Ўзбекистон ССР ва Тожикистон АССРда амалда бўлган РСФСР, Бухоро ХСР ва Хоразм ХСРларнинг жиноят-процессуал қонунлари бекор қилинди. Қаранг: Уголовно-процессуалный кодекс УзССР (издание 3-е). Самарканд. Юрид. Из-ва при Упр. Делами СНК УзССР, 1927. - 4 с. Бироқ, Ўзбекистон ССР ва Тожикистон АССРда амалда бўлган РСФСР, Бухоро ХСР ва Хоразм ХСРларнинг жиноят-процессуал кодексларини топишнинг имкони бўлмади.

<sup>1</sup> Абдумаджидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. –Ташкент: Узбекистан, 1974. – 44-45 с. Шу ўринида айтиш лозимки, ишни суда қадар юриш боскичини суддан ажратиб олиш ушбу кодекс қабул қилинган вақтдан бошлаб амалга оширилган.

1958 йил 25 декабрда СССР ва Иттифоқдош Республикаларнинг Жиноят суд ишларини юритиш асослари янгитдан қабул қилинди.

1959 йил 21 майда Ўзбекистоннинг учинчи Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди. Ушбу кодексда процессул масалалар тўлароқ тартибга солинди. Ушбу кодекснинг 158-моддасида даъвони таъминлаш мақсадида мол-мулкни хатлаш қоидалари белгиланган. Ушбу қоидалар амалдаги ЖПК қоидаларига жуда ўхшаш. Фақат мулкни хатлаш асосларида тураг жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, мулк шаклидан қатъий назар, хатланиши мумкин бўлган ҳолатлар назарда тутилмаган. Ушбу кодекснинг «Гражданлик даъвосини таъминлаш» деб номланган 289-моддасида хукм чиқаргунга қадар суднинг мол-мулкни хатлаш масаласини ҳал қилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг МДҲга аъзо давлатлар орасида биринчилардан бўлиб, 1994 йил 22 сентябрда ўзининг Жиноят-процессуал кодексини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ишлаб чиқилаётганда кодекснинг 211-моддасининг 1-бандида «гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига қарашли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши лозим, улар тегишли муассасага топширилади ёки йўқ қилиб юборилади» деган қоида сақлаб қолинди. Жиноят қуроли бўлган ашёларни олиб кўйиш ва мусодара қилиш учун судланувчига тегишлилиги исбот қилиниши шарт эди. Кодекснинг 35-боби «Хукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш» деб номланди ва унда мусодарани таъминлаш масалаларига катта аҳамият берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли Қарори қабул қилиниб, унинг олтинчи банди<sup>1</sup>да «импорт

<sup>1</sup> ЎзР ВМ 10.11.2006 й. 235-сон Қарори билан ўзгартиш киритилган холда.

қилувчи жисмоний шахсларда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларнинг Ўзбекистон Республикаси худудига олиб келинишини тасдиқловчи хужжатлар мавжудлигини режадан ташқари текшириш хуқуқи берилсин. Кўрсатиб ўтилган хужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда товар қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилади» деган ёзув киритилиши билан, кимга тегишли бўлишидан қатъий назар, божхона қоидаларини бузган ҳолда Ўзбекистонга киритилган ашёлари мусодара қилинадиган бўлди. Жиноят нарсаси билан бир қаторда жиноятни содир этишда қурол сифатида фойдаланилган автомашиналарнинг мусодара қилиниши оддий ҳолга айланди.

2008 йил 10 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан «жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади» деган қоида киритилди. Бизнингча, бу қоида ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида нотўғри эди. Биринчидан, мулкнинг ҳақиқий эгаси жиноятдан хабарсиз ҳолатда жабр кўтарди. Иккинчидан, жиноятни содир этишда қурол муҳим рўл ўйнмасада мусодарага сабаб бўлиши мумкин эди. Учинчидан, давлат мулкини бошқараётган шахс шу ашёдан қурол сифатида фойдаланиб, жиноят содир этганда унинг мулки ҳам давлат фойдасига мусодара бўлиши мантиқсиз иш бўлиб қолар эди. Жиноят туфайли муомалада бўлиши чекланмаган ашёдан фойдаланиш хуқуқи маҳрум қилиниши шарт эмас. Тўртинчидан, мулк шаклларининг даҳлсизлиги деган конституциявий қоида очиқчасига паймол бўлган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конуни<sup>1</sup> билан ЖПК 211-моддаси 1-бандига ўзгартириш киритилиб, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига,

<sup>1</sup> Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон; 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 08.01.2020 й., 03/20/601/0025-сон

маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуролларигина мусодара қилиниши белгиланди.

### **1.3. Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга муносабат.**

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш борасида жиноят процессуал сиёсати муҳим аҳамият касб этиди. Ҳозирги жиноят процессуал сиёсатнинг мазмунини икки расмий хужжатдан англаш мумкин. Булар: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup> ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясидир.<sup>2</sup>

Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналиши бўлмиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида устувор вазифалар сирасида жиноят қуроли ёки маъмурий хуқуқбузарлик предмети сифатида мулқдан фойдаланишда мулқдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни олиб қўйиш (вақтинчалик олиб қўйишдан ташқари) ва мусодара қилишни тақиқлаш қўйилган эди. Худди шу концепциянинг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган учинчи йўналишида ҳам мулқдан жиноят ёки маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш қуроли сифатида фойдаланишда мулқдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни мусодара қилиш ёки олиб қўйишни (вақтинчалик олиб қўйиш бундан мустасно) тақиқлаш белгиланди. Эътибор берадиган бўлсак, айби бўлмаган шахсларнинг мулкини мусодара қилмаслик бир ҳужжатда икки маротаба таъкидланди ва икки соҳасининг бош масалаларидан бири сифатида намоён бўлди. Ушбу дастурий қоидаларни таъминлаш учун 2017 йил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3723-сон карори билан тасдиқланган.

16 октябрдаги ЎРҚ-448-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш киритилиб, 211-модда 1-банди куйидаги таҳрирда баён қилинди: «1) гумон қилинувчига, айланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши керак ва улар тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Гумон қилинувчига, айланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг хуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилади. Гумон қилинувчига, айланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулкнинг қонуний эгалари, мулкдорлари ёки уларнинг хуқуқий ворислари, худди шунингдек меросхўрлари аниқланмаган тақдирда, ушбу мол-мулк давлат даромадига ўтказилади».

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида мусодара атамаси қўлланилмаган бўлсада, унинг процессуал жиҳатларига алоҳида тўхтаб ўтилган. Хусусан, Концепциянинг жиноят процессида шахс хуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган вазифаларда тўхтатилган жиноят ишлари доирасида тақиқ қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдирини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларни қайта кўриб чиқиш ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида мол-мулкка тақиқ қўйишининг барча кўринишлари (мол-мулкни эгасининг фойдаланишида қолдириб, тасарруф қилиш хуқуқидан маҳрум қилиш; олиб қўйиш; олиб бошқа шахсларнинг қарамоғига топшириш, ҳисоб рақамдаги ва қимматли қоғозлар кўринишидаги маблағлар муомаласини тўхтатиб қўйиш ва бошқалар) «мол-мулкни хатлаш» деб аталади. Мол-мулкни хатлашда қайси усулнинг қўлланилиши, қанча муддатда амалга оширилиши мол-мулкка тақиқ қўйишига асос бўлган ҳолатларга, мол-мулкнинг турига, жиноят ишининг мураккаблигига ва тақиқ қўювчи мансабдор шахснинг хоҳиши иродасига ҳам боғлиқ. Мол-мулкка тақиқ

кўйиш ҳар бир вазиятда индивидуал тарзда ёндашиш лозимлигининг қонунда белгиланмаганлиги хусусий мулк даҳлсизлигини бузадиган, жумладан жиноят ишлари тўхтатилган ҳолларда мулқдорлар ҳуқуқларининг бузилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фуқароларнинг хатланиши мумкин бўлган мулкларини аниқлаш ҳамда уларнинг тақдирини ҳал қилишда расмиятчилик учун муносабатда бўлишларига ва бюрократик тўсиқларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Тўхтатилган жиноят ишлари доирасида тақиқ қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдирини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларни қайта қўриб чиқишини тақазо этувчи омиллар қуидагилардан иборат:

**Биринчидан**, мол-мулкка тақиқ қўйилаётганда унинг кейинги тақдири, яъни унинг келажакда мусодара бўлиш эҳтимоли ёки бундай эҳтимолнинг мавжуд эмаслилига етарлича аҳамият берилмаётир. Мулк даҳлсизлиги қоидаларини таъминлаш мақсадида, судга қадар иш юритиш босқичида жиноят ишининг кейинги босқичидаги мусодара бўлмайдиган жиноят қуроли ва нарсаси ҳисобланмайдиган ашёвий далиллар исбот қилишда далил сифатида мустаҳкамланганидан кейин оқилона муддатларда эгаларига (мулқдорларига) қайтарилиши лозим. Бундан ташқари, қонун ҳужжатлари, хусусан, ижро тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ мусодарага қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк обьектларидан далил сифатида фойдаланиш зарурати бўлмаган вазиятда уларни хатлаш мумкин эмас.

Ҳуқуқ назариясида мавжуд ушбу қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида бевосита назарда тутилмаганлиги баъзан амалиётда хусусий мулк даҳлсизлигини бузиш ҳолатларига сабаб бўлмоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига **келажакда мусодара этилиши мумкин бўлмаган мол-мулкларни хатлашга йўл қўйилмаслиги ҳамда жиноят**

*ишиларини тергов қилишида мулкдорига, эгасига ва фойдаланувчисига қайтарилиши лозим бўлган мол-мулк объектлари жиноят иши тўхтатилганда дарҳол қайтарилиши лозимлиги хусусида қоида киритилиши мақсадга мувофиқ.*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг телеграм канали орқали амалиётчи ходимлар, жумладан Академия жамоаси ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда тўпланган овозларнинг 62%и ушбу таклифни ёқлаш, 35%и эса қаршилик мазмунида, 3%и «Жавоб беришга қийналаман» мазмунида бўлган (**З-илова**).

**Иккинчидан**, мол-мулкни хатлашнинг усулини танлаш, мулк ҳуқуки билан қандай ҳуқуқларнинг чеклаш масаласини ҳал қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг хоҳиши иродасига боғлиқ. Ҳамма вақт ҳам терговчилар ўзлариниг қасбий манфаат нуқтаи назаридан оғирроқ усулни қўллашга, имкони борича мол-мулкни олиб қўйиш, ундан фойдаланишни батамом чеклаб қўйиш тарзидаги хатловни қўллашларига имкон бермоқда. Бундай амалиётга барҳам бериш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига *мол-мулк хатлашда унинг бутлигини (яроқлилигини) уибу мол-мулқдан фойдаланиши ҳуқуқини чеклаш орқали таъминлашга эришиб бўлмасагина мазкур чора қўлланилиши* хусусида қоида киритилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг телеграм канали орқали амалиётчи ходимлар, жумладан Академия жамоаси ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда ҳам тўпланган овозларнинг 74%и ушбу таклифни ёқлаш, 20%и эса қаршилик мазмунида, 6%и «Жавоб беришга қийналаман» мазмунида бўлган (**З-илова**).

**Учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси чиқариб ташланган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасидаги жиноят ишини юритиш тамом бўлганлиги муносабати билан ашёвий далиллар тўғрисида қабул қилинадиган қарорлардан бири сифатида гумон

қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши кераклиги хусусидаги қоида фуқаролар назарида мол-мулкни давлат томонидан мусодара қилинишини жавобгарлик чораси сифатида мавжудлигини англатади. Амалиётда гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли мулкда бошқаларнинг улуши мавжудлиги масаласи етарлича ўрганилмади, фақат мулк хуқуқини тасдиқловчи расмий ҳужжатлар асосида ҳал қилинади. Бу ҳолат кўпроқ, кўчмас мулклар, автотранспорт воситалари, техник ускуналардан жиноятни содир этишда фойдаланилган бўлса, уларни давлат фойдасига ўтказишни таъминлайди. Бироқ, ушбу мол-мулк объекларини хатлаш, сақлаш, сотиш ёки бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш, кейинчалик суд ҳукмлари ўзгарган, бекор бўлган тақдирда қонуний эгаларига қайтариш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни вужудга келтиради. Буни охирги уч йилдаги суд-тергов амалиёти кўрсатмоқда.

**Тўртинчидан**, жиноят процессуал қонунчиликда тақиқ қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдири жиноят ишини юритиш тамом бўлгандан кейин ҳал қилиниши белгиланган. Бироқ, жиноят ишларини юритишнинг миллий шаклида жиноят ишини юритишни тўхтатиш ҳаракати мавжудки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 64-моддасида назарда тутилган қоидалар асосида, амалиётда кўп ҳолларда узоқ муддатда, ҳаттоқи айрим вазиятларда чекланмаган муддатда иш юритишга танаффус эълон қилинади. Мол-мулкка тақиқ қўйилишига ёки гаровга қўйилишига ёхуд олиб қўйилишига сабаб бўлган жиноят иши тўхтатилганда, унинг тўхтатилган даврида мулкдор, мулк эгаси ва фойдаланувчиларнинг хуқуқлари чекланганлигича қолади. Хусусан, тадбиркорлик субъекларининг мулклари узок муддатга хатланганда уларнинг мулкдан фойдаланишдан ташқари, уларни ихтиёрий тугатиш ва қайта ташкил этиш вақтида уларнинг мол-мулкдан воз кечишига ундейдиган муаммолар келиб чиқади. Энг ачинарлиси, хатлаб қўйилган

мулкнинг сақлаш харажатлари ундан фойдалана олмайдиган мулкдор хисобидан амалга оширилади.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси **Жиноят-процессуал кодексига жиноят ишлари тўхтатилганда, жиноят ишига алоқадор бўлмаган шахсларга тегишли мол-мулкнинг хатланганлиги ёки гаровга қўйилганлиги бекор қилиниши лозимлиги** хусусида қоида киритилиши лозим.

Бундай ўхшаш қоида Белорусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 132-моддасида мавжуд. Россия Федерацияси Конституциявий судининг фуқаро Л.И.Костареванинг шикояти асосида 2013 йил 7 февралдаги Ажрими<sup>1</sup>га кўра, гумон қилинувчининг яшириниши асосида тўтатилган жиноят ишлари бўйича бошқа шахсларга тегишли мулкларни хатлашни назарда тутувчи қоида (РФ ЖПК 115-моддаси) конституцияга хилоф деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг телеграм канали орқали амалиётчи ходимлар, жумладан Академия жамоаси ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда «Жиноят ишларини тергов қилишда эгасига ва фойдаланувчисига қайтарилиши лозим бўлган мол-мулк объектлари жиноят иши тўхтатилганда дарҳол қайтарилиши лозим»лиги хусусидаги таклифга муносабат сўралганда тўпланган овозларнинг 62%и ушбу таклифни ёқлаш, 35%и эса қаршилик мазмунида, 3%и «Жавоб беришга қийналаман» мазмунида бўлган (**З-илова**).

---

<sup>1</sup> <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&prevDoc=102031436&backlink=1&nd=102164463>

**П БОБ. МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВА ТАШКИЛИЙ  
МАСАЛАЛАРИ.**

**2.1. Жиноят ишида хатланадиган мулк объектлари ва мулки хатланадиган шахслар доираси.**

Жиноят иши бўйича ҳукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш учун сафарбар қилинадиган ёки ҳукмда муайян мол-мулк объектини бошқа шахсга ўтқазиш қўрсатилиши мумкин бўлса, айнан шу мулклар ёки керакли қийматдаги бошқа мулклар хатланади. Жиноят иши бўйича мол-мулкни хатлаш хатланмаслиги керак бўлган барча мулк объектларига қаратилиши мумкин.

ЖПК 290-моддаси иккинчи қисмида хатланиши мумкин бўлмаган мулклар сифатида «Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар...» қўрсатилган. Бу тоифадаги мол-мулк айнан нималардан иборатлиги мавҳум бўлиб, шунинг учун, ҳар ким турлича талқин қилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 апрелдаги «Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори<sup>1</sup> билан бунга аниқлик киритилди. Мазкур қарор иловасида қўйидаги мулкларга нисбатан ундирувга қаратилмаслиги баён қилинди:

1. Асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги ҳисобланган шахсларнинг:
  - ягона сигири, сигири бўлмаганда - ягона ғунажини, хўжаликларида сигир ҳам, ғунажин ҳам бўлмаганда, ягона эчкиси, қўйи ёки чўчқаси, шунингдек уй паррандаси (уй товуғи, ўрдак, ғоз, курка ва цесарка);

---

<sup>1</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 16-сон, 203-модда.

б) қорамол учун янги ем-хашак йиғиб олингунга қадар ёки яйловга чиқаргунга қадар (агар қорамолга ундирув қаратилмаган бўлса) ем-хашак;

в) навбатдаги экиш учун зарур бўлган уруғлар;

2. Қарздор ва унинг қарамоғидаги шахслар нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган қўйидаги уй анжомлари, жиҳозлар, кийимлар:

а) ҳар бир шахсга кийимлар: кузги ёки баҳорги пальто ёки плаш, битта қишлиқ пальто (ёки чопон, пўстин), битта қишлиқ костюм (аёллар учун - иккита қишлиқ кўйлак), эркаклар учун битта ёзлик костюм ёки чопон (аёллар учун - иккита ёзлик кўйлак), ҳар бир мавсум учун биттадан бош кийими (бундан ташқари аёллар учун - иккита ёзлик рўмол ва битта иссиқ рўмол ёки шолрўмол), узоқ муддат фойдаланилган ва қийматга эга бўлмаган бошқа кийим-кечаклар ва бош кийимлари;

б) фойдаланилган оёқ кийимлари, ички кийимлар, чойшаблар, ошхона ва емакхона жиҳозлари (қимматбаҳо металлардан тайёрланган, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган қадама нақшли буюмлар, шунингдек бадиий санъат қийматига эга бўлган буюмлардан ташқари);

в) ҳар бир шахс учун мебель - биттадан каравот ва стул ёки курси, оила учун битта стол, битта шкаф ва битта сандик;

г) болаларнинг барча жиҳозлари;

3. Ногирон шахсларда фойдаланишда бўлган ногиронларни реабилитация қилиш техник воситалари ва протез-ортопедия буюмларига;

4. Қарздорнинг асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги бўлса, янги ҳосилга қадар қарздор ва унинг оиласи учун зарур бўлган миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларига, бошқа ҳолларда эса - қарздор оиласининг ҳар бири учун базавий хисоблаш миқдорида озиқ-овқатларга (пул маблағларига);

5. Қарздор ва унинг оиласи овқат тайёрлаши ва иситиш мавсуми мобайнида уй-жойини иситиши учун зарур бўлган ёқилғи.

Лекин ушбу мулк объектлари жиноят нарсаси, жиноят қуроли бўлган ва жиноий йўл билан қўлга киритилган ҳолларда хатланиши мумкин.

Агар фуқаровий даъвода йўқотилган мулкнинг натура тарзида қайтарилиши талаб қилинса ёки мулк ашёвий далил деб эътироф этилган бўлса, бу мулкнинг айнан ўзи хатланади. Фуқаровий даъвода мулкнинг қиймати талаб қилинса, бундан ташқари процессуал чиқимларни қоплаш бошқа мулклар ҳам хатланиши мумкин. Бошқа мулклар хатланаётганда ЖПК 293-моддаси талабларига амал қилган ҳолда хатланаётган мол-мулк суриштирувчи ёки терговчи томонидан унинг эскириш даражасини эътиборга олиб, баҳолаш пайтидаги бозор нархидаги баҳоланади. Зарурат бўлганда мол-мулкни баҳолаш мутахассис иштирокида амалга оширилади.

Пуллар, облигациялар, чеклар, акциялар ва бошқа қимматли қофозлар ўз қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Хукмнинг фуқаровий даъво қисми ижросини таъминлаш учун мол-мулкни хатлашда баённомага қиймати зиённи қоплаш учун етарли мол-мулк киритилади. Бунда мулқдор ёки мол-мулк эгаси, ўзининг фикрича, қайси мол-мулкни баённомага киритиш зарур деб ҳисобласа, шу мол-мулкни кўрсатишга ҳақлидир. Бу қоида назарияда ҳам етарлича асослаб берилиган.<sup>1</sup>

Мол-мулкни хатлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари билан шуғулланган юристлар орасида қанча миқдорда ёки суммадаги мол-мулкнинг қиймати фуқаровий даъво қийматидан кам бўлмаслиги керак.

Бунда жиноий тажовуз оқибатида етказилган моддий зарар миқдорини аниқлашда, мулкнинг моддий зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарилаётган кундаги нархини инобатга олиш зарур<sup>2</sup>.

Назарияда мол-мулкни хатлашда хатланадиган мол-мулкнинг қиймати зарар қийматидан (бизнингча, процессуал чиқимлар ҳам назарда тутилган

<sup>1</sup> Мазалов А.Г. Гражданский иск в уголовном процессе. - М, 1977. – С. 103-104.

<sup>2</sup> ЎзР Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги ”Жиноий харакатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида”ги 21-қарорининг 8-банди.

бўлиши мумкин) 25% ортиқ бўлиши кераклиги ҳақида ҳам фикрлар мавжуд.

Бунга қарши асосли фикрлар ҳам йўқ эмас. Мисол учун В.С.Шадриннинг фикрича, «ҳар қандай эҳтиёжидан ортиқча бўлган» мол-мулкни хатлаш тўғри эмас. Хатланадиган мол-мулкнинг қиймати жиноят натижасида келиб чиқсан заарни қоплаши шарт<sup>1</sup>. Бизнингча, бундан ташқари ишни кўриш билан боғлик бўлган чиқимлар ҳам инобатга олиниши керак. Жиноий йўл билан орттирилган даромадлар ва улар эвазига олинган ашёлар ва ашёвий далиллар баҳоланиб хатланадиган бу тоифадаги мулкларга кирмайди.

Хатлашнинг процессуал тартибига кўра, мол-мулкларни қўйидаги турларга бўлиш мумкин: 1) кўчар мулклар; 2) кўчмас мулклар; 3) қимматбаҳо қоғозлар ва ҳисоб рақамлардаги пуллар.

ЖПК 290-моддасига кўра жиноят ишида қўйидаги шахсларнинг мол-мулклари хатланиши мумкин: 1) гумон қилинувчи; 2) айбланувчи (судланувчи); 3) фуқаровий жавобгар. Лекин бу руйхат бизнингча етарлича эмас. Чунки жиноят ишини юритишда муайян иштирокчи мақомида бўлмаган шахснинг ҳам мулки хатланиши мумкин. Агар жиноят ёки ақли норасо шахснинг қилмиши натижасида муайян мол-мулк бошқа жиноятга алоқаси бўлмаган бошқа шахснинг эгалигига ўтган деб ҳисоблаш учун етарлича асослар бўлганда бу мулк ҳам хатланади. Мисол учун, ўгриланган мулкни эски буюмлар бозоридан сотиб олган шахс, гарчанд жиноятга алоқаси бўлмасада, бу мол-мулк хатланади. Лекин ушбу мол-мулк на гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, на фуқаровий жавобгарнинг мулки ҳисобланади.

Жиноят-процессуал қонунда мулкни хатлаш хусусидаги масалалар бир неча ўн йиллардан буён деярли ўзгармасдан келмоқда. РСФСР ЖПКда хатланмайдиган мол-мулклар тўғрисидаги нормага берилган шарҳлардан бирида шундай фикр илгари сурилган эди: мулк

<sup>1</sup> Багаутдинов Ф.Н. Обеспечение имущественных прав личности при расследовании. –М.: 2002. –С. 103-104.

гумон қилинувчи ва айбланувчи томонидан жиноий йўл билан орттирилган ва хатлашдан яшириш мақсадида бошқа шахсларга берилган ҳолларда бу қоида татбиқ қилинмайди.<sup>1</sup> РФда ЖПКга берилган шарҳда хатланмайдиган мол-мулк қоидаси бошқа шахсдаги гумон қилинувчининг, айбланувчининг жиноий йўл билан олинганлиги, хатлашдан яшириш мақсадида беганолаштирилганлиги хусусида далилар мавжуд бўлса, ушбу қоида бу ҳолатга нисбатан тааллуқли эмас, дейилган<sup>2</sup>. Бу фикрлардан шу нарса англанадики, гумон қилинувчи ва айбланувчининг бошқа шахсдаги мол-мулки хатлашдан яширишдан ташқари бошқа мақсадларда (текин фойдаланиш, ижара ва в.к.) берилган бўлса, хатланмайди. Бу фикр тарафдорлари жиноят процесси илм оламида озчиликни ташкил этиб, жиноят ишларини юиритишда фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг нормаларини ҳам инобатга олишга эришишга ҳаракат қиласидар. Лекин жиноят процессига фуқаролик, меҳнат ва оила ҳуқуқ соҳалари нормаларини қўллашнинг шарти бу нормалар жиноят процессиинг умумий принципларига зид бўлмаслиги керак.

Аксарият олимлар жумладан, А.П.Коратков ва И.Л.Петрухинларнинг фикрича, гумон қилинувчи, айбланувчи ва унинг ҳаракатлари учун моддий жавобгар бўлган бошқа шахсларнинг мулкини хатлаш, у (яъни мулк) қаерда бўлишидан қатъи назар амалга оширилади.<sup>3</sup> Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ушбу олимлар қонунга гумон қилинувчи, айбланувчининг хатланиши мумкин бўлган мулки қаерда ва кимнинг қўлида сақланишига қарамасдан хатланиши мумкинлиги хусусида таклиф беришга ҳаракат қиласидар.

А.Д.Марчука ва А.В.Федулованинг фикрича эса, бошқаларда бўлган мулк фақат гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноий ҳаракатларидан

<sup>1</sup> Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу РСФСР ! Отв.ред. В.И. Радченко; под ред. В.Т.Томина 5-е изд., перераб. и дол. - М., 2001: - С. 324.

<sup>2</sup> Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации: Новая редакция. Под общей ред. Н.А. Петухова, Г.И. Загорского. - М., 2002. - С. 231.

<sup>3</sup> Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации в редакции Федерального закона от 29. мая 2002 года / Под общей и науч. ред. А.Я. Сухарева. - М., 2002. - С. 216., Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации / Под ред. И.Л.Петрухина. М., 2002. С. 183.

орттирилганилиги хусусида далиллар бўлганида хатланиши керак бўлади<sup>1</sup>. Ваҳоланки, гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг кейинчалик ижрога қаратилиши мумкин бўлган мулки қонуний асосларга кўра ҳам бошқа шахс эгалигига ўтган бўлиши мумкин.

Авваллари айрим юридик адабиётларда шундай фикрлар илгари суриларди: шахс мулкининг мулкдорига айланаётган пайтда шу мулкни берётган, ҳадя қилаётган, сотаётган шахс бу мулкни қандай қўлга киритилганлигини билиш-бilmаслигига қараб, хатланиши хусусида фикрлар илгари сурилган эди<sup>2</sup>. Бундан шахс жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкнинг мулкдорига айланаётганлигини билса - инсофиз эгалловчи бўлса, ундаги мулк хатланади, аксинча бўлса, хатланмаслиги керак, деган мазмун англаради. Лекин бу жиноят-процессуал қонунчилигининг мол-мулкни жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга қайтариш қоидаларига умуман зид. Бу ҳолларда мулк даъвога кўра, хатланиши шарт. Чунки мазкур мулкка эгалик қилишга ҳаммадан кўра, унинг ҳақиқий эгаси ҳақли ҳисобланади. Мулк хатланиши натижасида зарар кўрадиган жиноят алоқаси бўлмаган шахс унинг қийматини талаб қилиш ҳукуқини сақлаб қолади.

Жиноят ишлари амалиётида яна бир низоли ҳолат мавжуд. Жиноят ишини гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб қилинган ёки жалб қилиниши эҳтимоли бўлган шахслар ўзларига тегишли бўлган мулкни бегоналаштирадилар. Лекин бу мулк жиноий йўл билан топилмаган бўлади. Бу пайтларда мазкур мулкларни хатлашнинг қонуний асоси йўқ. Фақат бегоналаштириш мақсади аҳамият касб этади. Агар шартнома сохта ёки хатлашдан яшириш мақсадида мулкни бошқа шахсга сотса, текин фойдаланишга берса, ҳадя қилса, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини инобатга олиб ҳатланиши мумкин.

<sup>1</sup> Комментарий,, к Уголовно-процессуальному: кодексу Российской Федерации / Отв. ред. В.И. Радченко; науч. ред. В.Т. Томин, М.П. Поляков. - М., 2004: - С. 327.

<sup>2</sup> Чичко В.Н. Деятельность следователя по обеспечению реального возмещения материального ущерба, причиненного преступлением // Ученые записки Саратовского юридического института. Вып. XIX. Ч. I. - Саратов, 1970. - С. 277.

Суд-тергов амалиётида гумон қилинувчи, айбланувчи ва фуқаровий жавобгар мақомида бўлмаган шахсларнинг мулклари ёки улардаги мулк объектларини хатлашда фақат ЖПК 290-моддаси биринчи қисми қоидалари билан чеклаб қолинмасдан қонунлар мазмунидан келиб чиқиб ёндашиш кузатилади. Бироқ ЖПКда жиноят ишини юритиш муносабати билан мулки хатланадиган шахсларнинг рўйхати кўрсатилмаганлиги тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Бизнингча, ЖПК 290-моддасининг биринчи қисмига қўшимча равища «*Бошқа шахсларнинг мулклари ушибу Кодекснинг 285 ва 287-моддаларида назарда тутилган асосларда хатланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг хатланиши мумкин бўлган мол-мулки хатлашдан яшириши мақсадида бошқа шахсларга ўтказилганлиги хусусида далиллар етарли бўлса, ушибу мулклар ҳам хатланади*

» деган қоида киритилиши мақсадга мувофиқ.

## **2.2. Мол-мулкни хатлаш ва уни бекор қилишнинг процессуал тартиби.**

Мол-мулкни хатлашнинг процессуал тартиби ЖПКнинг 290-моддасида белгиланган. Мол-мулкни хатлаш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор ёки суд ажрим чиқаради. Мазкур қарор ёки ажрим уч қисмдан иборат бўлади. Булар: кириш, тавсиф-асослантирув ва хулоса қисмлариdir.

Кириш қисмида ҳужжатнинг номланиши (мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор); тузилган жой (шаҳар, посёлка, қишлоқ); тузилган йил, ой, қун; қарорни тузган шахснинг мансаби, унвони, фамилияси, исми ва отасининг исми (одатда, қисқартирилган шаклда); жиноят ишининг реестр рақами кўрсатилади.

Тавсиф асослантирув қисмида хатлаш нима мақсадда ва кимнинг мол-мулки хатланиши лозимлиги, фуқаровий даъвони таъминлаш учун

хатланаётганда эса, хатланаётган мол-мулк суммаси ҳам кўрсатилади<sup>1</sup>.

Адабиётларда мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарорда хатланиши лозим бўлган мулк обьекти кўрсатилиши кераклиги таъкидланади<sup>2</sup>. Лекин, бизнингча, ҳамма вақт ҳам қарорда хатланадиган мол-мулкни кўрсатишнинг имкони бўлавермайди. Чунки мол-мулкни хатлаш процессуал ҳаракатини қидиув характери касб этади. Қарор чиқарилганидан кейин муайян мулк обьектлари қидирилади. Қидирилиб топилганидан кейин хатланиши, олиб қўйилиши мумкин бўлади. Қолаверса, хатланадиган мулк обьектларининг хатланиши керак бўлганлари хусусида мулкдор ўз фикрини билдириши ёки шундай мол-мулкни кўрсатиши мумкин (ЖПК 293-модда). Агар барча ҳолларда қарорда хатланиши керак бўлган мол-мулкни кўрсатиши шарт деб белгиланганда мол-мулки хатланаётган шахснинг айнан ушбу хукуқини таъминлаш имконияти бўлмас эди.

Мол-мулкни хатлаш бир неча хил ҳаракатлар ўйғунлигига амалга оширилиши мумкин. ЖПК 290-моддаси тўртинчи қисмига кўра, хатлаш мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса, ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мулкни тортиб олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборат бўлиши мумкин. Баъзида тасарруф этиш ва фойдаланиш таъқиқланади, шу мулк билан шарномавий муносабатга киришиш таъқиқланади ва ҳ.к. бу ҳаракатларининг айнан қайсиларидан фойдаланиш мулк обьектининг бегоналаштириш ёки нобуд қилиш, олдини олиш ва ишда ҳақиқий мавжуд бўлишини таъминлаш учун зарурлигидан келиб чиқилади.

Мисол учун кўчмас мулклар, автотранспорт воситаларини хатлаш учун давлат нотариал ташкилотлари ёки Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари орқали таъкиқ қўйишнинг ўзи етарли бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир проф.Ф.А.Абдумажидов. –Т.: ТДЮИ нашириёти, 2009. -Б. 471.

<sup>2</sup> Коротков А. П.; Тимофеев А. В. 900 ответов на вопросы прокурорско-следственных работников по применению УПК РФ: Комментарий. - М, 2004: - С. 207.

Дипломатия ваколатхоналари биноларидаги ва дипломатия вакилларига қарашли мол-мулкни хатлашда ЖПК 165-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиниши лозим. Дипломатия ваколатхонаси худудида мол-мулкни хатлаш ўтказилаётганда дипломатия ваколатхоналари ва уларнинг дипломатия дахлсизлигига эга бўлган ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари эгаллаб турган биноларда фақат дипломатия ваколатхонаси бошлигининг илтимосига кўра ёки унинг розилиги билан ўтказилиши мумкин, дипломатия ваколатхонаси ходимларининг ёки уларнинг вояга етган оила аъзоларининг истиқомат жойларида ёхуд улар эгаллаб турган бошқа биноларда хатлаш уларнинг илтимосларига кўра ёки розиликлари билан ўтказилиши мумкин. Кўрсатилган имтиёзлар Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинмаган бўлса-да, дипломатия дахлсизлигига эга бўлган ажнабий вакилларга ва уларнинг оила аъзоларига ҳам берилади.

Дипломатия вакили ёки унинг оила аъзоларининг мол-мулкни хатлашга розилиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали сўралади.

Дипломатия ваколатхоналари ва дипломатия дахлсизлигидан фойдаланадиган вакиллар, шунингдек уларнинг оила аъзолари жойлашган биноларда мол-мулни хатлаш чоғида прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг вакили ҳозир бўлиши шарт.

ЖПК 291-моддасида белгиланишича, суриштирувчи ёки терговчи мол-мулкни хатлаш тўғрисида ЖПК 90-92-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда икки нафардан кам бўлмаган холислар иштироқида баённома тузади. Баённомада хатланган барча мол-мулкнинг номи, ўлчови, оғирлиги, эскириш даражаси ва бошқа ўзига хос белгилари санаб ўтилиб, мол-мулкни хатлаётган шахснинг ҳаракатлари тўғрисидаги ва баённомага киритилган мол-мулкнинг учинчи шахсларга тегишлилиги ҳақидаги арзлар баён этилади. Мол-мулк олиб қўйилган тақдирда айнан ниманинг

олинганлиги ва қаерга ёки кимга сақлаш учун топширилганлиги баённомада кўрсатилади.

Мол-мулкни хатлаш чоғида уни яшириш, йўқ қилиб юбориш ёки шикастлашга уринишлар қилинган бўлса, суриштирувчи ёки терговчи томонидан қўлланган чоралар кўрсатилиб, баённомада акс эттирилиши лозим.

ЖПК 292-моддасида таъкидланганидек, мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баённоманинг нусхаси мол-мулки рўйхатга олинган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда, мол-мулк рўйхатга олинган худуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб тилҳат олинади.

Корхона, муассаса, ташкилот ёки дипломатия ваколатхонаси худудидаги мол-мулкни рўйхатга олиш ўtkазилган бўлса, мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баённоманинг нусхаси тегишли маъмурият ёки дипломатия ваколатхонаси вакилига топширилиб, қўл қўйдириб олинади.

Охирги йилларда жиноят ишларини юритишда судларнинг роли ва таъсир доираси кенгаяётганини, суриштирув, дастлабки тергов ва прокуратура органларининг айрим ваколатларини қисқартириш эвазига судларнинг дастлабки терговдаги муайян масалаларни ҳал қилишда иштирокининг ортаётганлигини кузатиш мумкин. Буни унитилган қадриятларнинг қайта тикланиши деб, атаса ҳам бўлади. Чунки ўтмишимизда жиноят ишларини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслари орасида судлар асосий ўринни эгаллабгина қолмасдан, жиноят ишини юритиш муддатининг катта қисми суд босқичлари ҳиссасига тўғри келар эди. Тергов дастлабки ва суд терговларига бўлинмасдан бевосита судда амалга оширилган. Жиноятларни тергов қиласидан шахслар айнан суд маҳкамасининг ходимлари ҳисобланган.

Хозирги пайтда эса, яна жиноят ишларини судга қадар юритишда судларнинг иштирокини жорий қилиш кераклиги, ҳар қандай органлар ва

мансадор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиниши ёки ундан розилик олиниши кераклиги хусусида фикрлар янграмоқда.

Шу ўринда савол туғилади: ишни судга қадар юритиш босқичида қўлланилган мол-мулкни хатлаш мажбулов чорасини қўллашда ҳам судларнинг ўрни қайдай бўлиши керак? Ҳуқуқ назариясида масалага турлича ёндашинилган.

Олима Г.З.Тўлаганова мол-мулкни хатлаш учун суддан рухсат олиш кераклигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Бу фикрга тўлиқ қўшилса, бўлади. Лекин мол-мулкни хатлаш одатда кечиктириб бўлмайдиган ҳаракат ҳисобланади. Бизнингча, суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан мол-мулкни хатлаб туриш муддати чекланиши ва шу мудда ичидан суддан розилик олиш масаласи ҳал қилиниши керак. Мазкур муддатни амалдаги шароитдан келиб чиқиб, уч сутка қилиб белгилаш мумкин.

Ф.Н.Багаутдинов РФнинг амалдаги ЖПКда мол-мулкни хатлашда суддан розилик олиш тартиби юзасидан ўз муносабатини билдириб, мол-мулкни хатлаш учун суддан розилик олиш терговчининг процессуал мустақиллигини чеклашини баён қилган. Унинг таъкидлашича тергов амалиётида гумон қилинувчига нисбатан мулкни хатлаш ҳоллари камдан кам бўлади, айб эълон қилинганидан кейин мол-мулк хатланади. Терговчи айб эълон қилишга мустақил қарор қилгани сингари мол-мулкни хатлаш учун ҳам суддан розилик олиши шарт эмас. Олим терговчининг мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи сақланиб қолишини таклиф қилган<sup>2</sup>.

Хозирча илмий концепция сифатида айтиш мумкинки, жиноят ишини судга қадар юритиш босқичларида судга шикоят қилиш хусусида қоидалар жорий қилинганида биринчи галда мол-мулкни хатлаш сингари ҳаракатлар

<sup>1</sup> Тулаганова Г. З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Юрид. фан. докт.... диссертация автореферати. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. –Б. 47.

<sup>2</sup> Багаутдинов Ф. Н. Наложение ареста на имущество и ценные бумаги по УПК РФ // Российский следователь. – 2002. -№10. - С.5.

устидан судга шикоят қилиш хусусида назарда тутилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноят иши юритишда жиноят қонуни нормасидан фойдаланиш ҳали хуқуқни қўллаш амалиёти ҳисобланмайди. Жиноят иши якунига етганида ёки мазкур чорани давом эттиришнинг ҳожати қолмаганидан у бекор қилинади. Худди шу жумладан, мол-мулкни хатлаш ҳам асослар юз берганида бекор қилинади. ЖПКнинг 295-моддасида мол-мулк хатланганлигини бекор қилиш қоидалари қуйидагича белгиланган: «Оқлов хукми қонуний кучга кирганда, жиноят иши тугатилганда, шунингдек фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинади».

Оқлов хукмида ва жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорларда мажбуров ҷоралари қатори хукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш чоралари ҳам бекор қилинади (ЖПК 374-модданинг иккинчи қисми ва 470-модда 4-банди).

Фуқаровий даъводан воз кечилганлик ҳолати ҳам уни таъминлашнинг ҷорасини кўрилган бўлса, яна уни давом эттириш мантиқсиз бўлиб қолади. Жиноят процесси назариясида фуқарвий даъвога нисбатан оммавийлик қоидалари татбиқ қилинмайди. Жиноятдан зиён кўрган шахс талаб қиласа даъво қўзғатилади ва уни келажақда таъминлаши мумкин бўлса, тегишли чоралар кўрилади. Агар шахс фуқаровий даъводан воз кечса, бу масала кўрилмасдан қолдирилади. Ва мазкур шахс айнан шу даъво бўйича на жиноят процессида, на фуқаролик тартибида қайта даъво қила олмайди. Худди шунингдек, кўрилган даъвони таъминлаш чоралари бекор қилинади.

Фуқаровий даъводан воз кечиш қоидалари давлат мулкига нисбатан татбиқ қилинмайди. Давлат корхона, муассаса ёки ташкилотига етказилган зарар қопланмаган ҳолларда суд фуқаровий даъвогарнинг даъводан воз

кечиш ҳақидаги аризасини қабул қилишга ҳақли эмас (ЎзР Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги 21-қарорининг 1-банди иккинчи қисми).

«Фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳоллар» дейилганда мол-мulkни хатлашни бекор қилишни тақозо этадиган бошқа ҳолатлар тушунилади. Бу ҳолатларни нималардан иборат бўлиши мумкинлигини назарий фикрлар ва амалий ҳолатлар таҳлилидан билиб олса бўлади.

Н.А.Власова, судга қадар иш юритиш (*бизнингча, «жиноят ишини юриттиши» дейилганда тўғрироқ бўлар эди*) давомида жиноят натижасида етказилган зиён ихтиёрий бартараф этилса; жиноятнинг квалификацияси ЖК Maxsus қисмининг пул ундирув назарда тутилмаган моддасига ўзгарса, башарти, шуни таъминлаш учун қўлланилган бўлса; процесда хатланган мулкнинг жиноий йўл билан орттирилганлиги исбот қилинмаса (*бизнингча факат жиноий даромад сифатида хатланган мол-мulkка тааллуқли бўлса керак*) ҳам мулкни хатлаб туриш зарурияти йўқолади, деган фикрни илгари суради.<sup>1</sup>

Мулкни хатлашни бекор қилиш асослари сифатида, булардан ташқари суд томонидан даъвонинг қаноатлантириш рад қилинганлик ҳолати; мусодара имконини чекловчи айловни қисқартирилиши; инсофли эгалловчи мулкининг «жиноий мансублиги» исботланмаслик ҳоллари К.Б.Калиновский томонидан кўрсатилади<sup>2</sup>. Б.Т.Безлепкин буларга қўшимча равиша мулкни хатлаш заруриятининг йўқолиши сифатида хатланган мулкнинг мусодара қилинмайдиган мулк эканлиги кейинчалик аниқланишини таъкидлайди<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Власова Н.А. Меры процессуального принуждения в досудебном производстве по уголовным делам. М. 2005. –С.161.

<sup>2</sup> Комментарий к уголовно-процессуальному кодексу РФ // Под ред. А. В. Смирнова. - СПб., 2003. – С. 326.

<sup>3</sup> Безлепкин Б. Т. Комментарий к уголовно-процессуальному кодексу РФ (постатейный). 4-е изд., прераб. И доп. М., 2004. – С.169-170.

Мол-мулкни хатлашни бекор қилишнинг процессуал тартиби мол-мулкни хатлаш сингари процессуал қарор ёки ажрим билан расмийлаштирилади. Бу ҳолат тергов амалиёти, назарий қоидалардан маълум.

РФда ҳам гарчанд мол-мулкни хатлашда суддан рухсат олинсада, мол-мулкни хатлаш ўз заруриятини йўқотса, суддан розилик олмай туриб суриштирувчи, терговчининг қарори билан бекор қилинади<sup>1</sup>.

ЖПК 295-моддасига берилган шарҳда ҳам «Юқорида қайд этилган ҳолларнинг мавжудлиги аниқланганда, шахсга тегишли мол-мулк хатланганлигини бекор қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор - қарор, суд эса - ажрим чиқаради» дейилган.<sup>2</sup>

Мол-мулкни хатлашни бекор қилиш тўғрисидаги қарор уч нусхада тузилиб, бири иш материаларида, иккинчиси мулки хатланишдан чиқарилган шахсга ва учинчиси мулкни қўриқлаб (сақлаб) турган шахсга топширилиши назарий қоида<sup>3</sup> ва амалиёт анъанасига айланган.

Бизнингча, мол-мулкни хатлашни бекор қилишнинг процессуал таритибини қонунда аниқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Сабаби биринчидан кўплаб тушунчовчиликларнинг олди олинади. Жиноят иши оқлов ҳукми ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан тугатилганда ушбу ҳужжатларнинг ўзи билан мол-мулк хатланишидан чиқарилиши мумкин. Лекин жиноят ишида фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинганда алоҳида қарор чиқарилишини назарда тутувчи норма жорий қилиниши мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ЖПК 295-модда иккинчи қисмини **«Жиноят ишини юритишида фуқаровий даъвогар ўз**

<sup>1</sup> Черепанов Д. В. Освобождение имущества из-под ареста: теория и практика правового регулирования // Адвокатская практика. 2006. №4 – С. 39.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул мұхаррир проф. Ф. А. Абдумажидов. –Т.: ТДҶИ нашриёти, 2009. - Б.475.

<sup>3</sup> Власенко Н. В., Иванова А. Н. Отмена наложения ареста на имущество в порядке уголовного судопроизводства // Российская юстиция. 2008. №4 - Б. 55-56.

**даъвосидан воз кечганда ёки унинг даъвоси қаноатлантирилганда мол-мулкнинг хатланганлигини бекор қилиш хусусида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор ёки суд ажрим чиқаради» деб баён қилиш керак.**

Мазкур норма қонунда ўз ифодасини топмаганлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурутураси Академиясининг телеграм канали орқали амалиётчи ходимлар, жумладан Академия жамоаси ходимлари ўртасида ўтказилган жиноят ишини юритиш давомида фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ёки унинг даъвоси қаноатлантирилганда мол-мулкнинг хатланганлигини бекор қилиш хусусида суриштирувчи, терговчи прокурор қарор ёки суд ажрим чиқариши шартми, деган саволга тўпланган овозларнинг 82%и ушбу таклифни ёқлаш, 17%и эса қаршилик мазмунида, 2%и «Жавоб беришга кийналаман» мазмунида бўлган (**3-илюва**).

### **2.3. Хатланган мол-мулкни сақлашнинг ташкилий ва процессуал масалалари.**

Мол-мулкни хатлашнинг бутун мазмунини инобатга олиб, жиноят-процессуал кодексининг 294-моддасида хатланган мулкни сақлашнинг қўйидаги қоидасини назарда тутади: «Хатланган мол-мулк олиб қўйилиб, сақлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд бошқа ташкилот вакилига топширилиши мумкин.

Хатланган мол-мулк мулқдорга ёки мол-мулк эгасига, унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга сақлаб туриш учун қолдирилиб, унга ушбу мол-мулкнинг тўла-тўқис сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва бу ҳақида ундан тилхат олинади.

Муомалада бўлиши ман қилинган ашёлар ҳар қандай ҳолларда ҳам олиб қўйилиши керак. Уларни сақлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Банк муассасаларида сақланаётган пуллар, шунингдек давлат заёми облигациялари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар олиб қўйилмайди, лекин мол-мулк хатлангани тўғрисидаги қарорни ёки ажримни олиш биланоқ, уларни харжлаш операциялари тўхтатиб қўйилади».

Хатланган мол-мулкни сақлашнинг хуқуқий воситалари сифатида ЖКда иккита жиноят белгиланган. Булар:

1. ЖК 172-моддаси «Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш» деб номаланиб, унинг диспозицияси «Шахснинг мулкни қўриқлаш юзасидан ўз вазифаларини виждонсиз бажариши натижасида мол-мулк талон-торож қилиниши, унга шикаст етказилиши ёки унинг нобуд қилиниши кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, башарти, бу қилмишда мансабдорлик жинояти аломатлари бўлмаса» тарзида белгиланган.

2. ЖК 233-моддасида «Банд солинган мулкни қонунга хилоф равища тасарруф этиш» деган жиноят белгиланган бўлиб, модданинг диспозицияси «Банд солинган мулкни қонунга хилоф равища тасарруф этиш, яъни банд солинган ёхуд гаровга қўйилган мулкни ишониб топшириб қўйилган шахс томонидан қонунга хилоф равища ўзлаштириш, растрата қилиш, яшириш, нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса» деб баён қилинган.

Гарчанд хатланган мулкни ғайриконуний тасарруф этиш учун хуқуқий жавобгарлик белгиланганилиги билан масала ҳал бўлмайди.

Юриспруденцияда олимлар томонидан кўп йиллардан буён хатланган мулкларни қўриқлаш учун хуқуқни муфаза қилиш органларида ишларни ташкил этиш борасида бош қотириб келинар эди. Тергов идоралари ёнида хатланган мулкларни сақлаш учун маҳсус хона ташкил этилиши хусусида таклифлар берилар эди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилган «Суриштирув, дастлабки тергов ва суд

<sup>1</sup> Новичкова З.Т. Обеспечение исков советском судопроизводстве: Автореф. дис... канд. юрид. наук. - М., 1973. - С. 19.

муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома<sup>1</sup>. Мазкур йўриқнома билан нафақат суриштирув ва тергов органлари хузурида хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш учун алоҳида хона жорий қилиш назарда тутилди, балки бошқа кўплаб муаммоларга ойдинлик киритилди.

Йўриқнома мазмунига кўра, ашёвий далилларни сақлаш учун ички ишлар органлари, Давлат хавфсизлик хизмати, прокуратуралар, судларда стеллажлар, металл эшик, панжарали деразалар, қўриқлаш ва ёнфинга қарши сигнализацияси бўлган маҳсус хоналар жиҳозланади. Бундай хона бўлмаган тақдирда маҳсус сақлаш жойи (сейф, етарли ҳажмдаги металл жавон ва ҳоказолар) ажратилади.

Ишга қўшиб қўйилган ашёвий далилларнинг сақланиши учун масъул бўлиб суриштирув ёки терговни олиб бораётган шахс, судда судья ёки суд раиси ҳисобланади.

Олиб қўйилган предметни сақлаш унинг ўзига хос хоссалари ёки сифатлари туфайли олиб қўйишни амалга оширган орган бажара олмайдиган маҳсус сақлаш шароитларини (сақлашнинг муайян ҳарорати, сақлаш муҳити ва ҳоказоларни) талаб этадиган зарур ҳолларда орган уни сақлаш учун ана шундай шароитларга эга бўлган корхона, муассаса ёки ташкилотга юбориши шарт. Бунда ушбу корхона, муассаса ёки ташкилотнинг раҳбари олиб қўйилган предметни сақлаш учун масъул шахс ҳисобланади.

Жиноят иши муносабати билан олиб қўйилган ва ундан алоҳида сақланадиган ашёвий далиллар, бойликлар ва бошқа мол-мулкни сақлаш учун масъул бўлиб прокурор, ДХХ органи, ички ишлар органлари раҳбари, суд раисининг маҳсус буйруги билан тайинланадиган ушбу муассасанинг ходими саналади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 529-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2017 й., 10/17/2174-1/0229-сон

Ашёвий далиллар, бойликлар ва бошқа мол-мулк сақланаётган хонага (сақлаш жойига) фақат уларнинг сақланиши учун масъул шахс ҳозирлигига кириш мумкин. У (ёки унинг ўрнини босадиган ходим) йўқ бўлганида хонага (сақлаш жойига) прокурор, прокуратура, ДХХ органи, ички ишлар органи тергов бўлинмаси бошлиғи, суд раиси (судья, суднинг масъул ходими)нинг ёзма рухсатномаси билан ва фақат уларнинг ҳозирлигига кириш мумкин, уларда мазкур хона (сақлаш жойи) ҳисобга олиш дафтирига тегишли ёзувлар киритиш учун берилади.

Бундай ҳолларда далолатнома тузилади, унда нима муносабат билан ва қандай обьектлар хонадан (сақлаш жойидан) олиб қўйилганлиги ёки унга жойлаштирилганлиги акс эттирилади. Далолатнома ашёвий далилларни сақлаш учун масъул бўлган шахсга ашёвий далилларни ҳисобга олиш дафтирига тегишли ёзувлар киритиш учун берилади.

Суриштирув, дастлабки тергов ёки судда олиб қўйилган ўқотар қурол, ўқ-дориларни сақлаш, эксперт-криминалистика бўлинмаларида текширишдан кейин, фақат ички ишлар органлари ва ДХХ органларида, Ички ишлар вазирлиги (бундан кейин - ИИВ), ДХХнинг хўжалик бўлинмаларида амалга оширилади.

Ашёвий далиллар сифатида олиб қўйилган портловчи моддалар улар раҳбарлари (қўмондонлиги) билан келишиб ва уларнинг ижозати билан ҳарбий қисмлар ёки тегишли давлат корхоналари (ташкилотлари)нинг омборларига сақлаш учун берилади, заҳарлар ва кучли таъсир кўрсатувчи препаратлар дорихона бошқармаларининг, сақлаш учун лозим даражада шарт-шароит бўлган бошқа ташкилотларнинг омборларига берилади.

Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ИИВ, ДХХнинг ҳарбий қисмлари ва муассасаларига тегишли бўлган қурол-яроғ, ўқ-дори, ҳарбий анжомлар олиб қўйилган ҳолларда, агар бу тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилишини қийинлаштирмаса, улар мансублиги бўйича сақлашга топширилиши керак.

Ўқотар нарезкали қурол қўллаш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар бўйича суриштирув ва тергов органлари, судлар, олиб қўйиш, кўздан кечириш ва тегишли текширишлар ўтказилганидан кейин, ўқлар, гильзалар ва қурол изи бўлган патронларни, шунингдек ўқотар нарезкали қуролни Ўзбекистон Республикаси ИИВ пулегильзотекасига юборишга мажбурлар.

Олиб қўйилган мукофотлар ва уларга ҳужжатлар олиб қўйилганидан кейин бир кеча-қундуздан кечиктирмай сақлашга берилади ёки маҳсус алоқа билан тергов ёки суриштирувни олиб бораётган орган бухгалтериясининг кассасига (уларни текшириш зарур бўлган ҳоллардан ташқари) олиб қўйиш баённомаси ва икки нусхада рўйхат билан юборилади. Иккинчи нусхага кассир мукофотлар ва уларга ҳужжатлар олингани тўғрисида имзо чекади ва у ишга қўшиб қўйилади. Айлов хулосасига маълумотномада айланувчидан мукофотлар, уларга ҳужжатлар олиб қўйилганлиги ва уларни сақлаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар олиб қўйилган мукофотлар ва уларга ҳужжатлар ашёвий далиллар ҳисобланса ёки уларга нисбатан экспертиза тайинланса, улар зарур тергов ва бошқа ҳаракатларни юритиш учун суриштирув, дастлабки тергов органи, судда бўлиши мумкин.

Жиноятларни содир этиш қуроллари сифатида ишлатилган ва ашёвий далиллар деб топилган автомашиналар, мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари, шу жумладан сузуви воситаларни, шунингдек хатланган транспорт воситаларини сақлаш суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг қарорига кўра дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси давомида Ўз.Рес. ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари, ички ишлар органлари ва Ўз.Рес ДХХ хўжалик бўлимлари (бошқармалари) томонидан спидометр, двигатель, руль бошқаруви, бошқа узеллар ва деталларни, уларни алмаштириш ва дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси давомида олиб қўйилган транспорт воситаларидан

фойдаланишни истисно этадиган олдиндан муҳрлаш ва пломбалаш билан амалга оширилади (агар уларни эгасига, унинг қариндошлари ёки бошқа шахсларга, шунингдек ташкилотларга бериш мумкин бўлмаса). Транспорт воситаси олиб қўйилганда, шунингдек сақлашга берилганда ички ишлар органи Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг ходими ёки мутахассис иштирокида, имконият бўлса унинг эгаси иштирокида ҳам мазкур воситанинг техник ҳолати далолатномаси тузилади.

Муомаладан олиб қўйилган ёмби шаклидаги, элаб тозалаб олинган (чўкинди), соф ҳолда топилган, резги, ярим тайёр қимматбаҳо металлар (олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги бошқа металлар), ишлаб чиқариш ёки лаборатория мақсадидаги буюмлар, шунингдек олмослар ёки бошқа табиий қимматбаҳо тошлар тегишли текширишлардан кейин, агар улар ашёвий далиллар ҳисобланмаса ва маҳсус текширишдан ўтказилмаса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги Кимматбаҳо металлар агентлигига топширилади.

Миллий ва хорижий валютадаги пул суммалари, давлат заём облигациялари, пул-буюм лотереяси билетлари, омонат дафтарчалари, сертификатлар, Ўзбекистон Республикаси тегишли банкининг аккредитивлари, чеклари ва чек дафтарчалари, фуқаролардан тергов-суд органлари олиб қўйган қимматли қоғозларни сақлашга берилган қўриқлаш гувоҳномалари ҳукм қонуний кучга киришигача Тижорат банкларида сақланади.

Ишга ашёвий далиллар сифатида қўшиб қўйилган хужжатлар, хатлар ва бошқа ёзувлар оқ қоғоз варақлари ўртасига қўйилган конвертларда сақланиши керак, бунда бирор-бир белгилар қўйиш, ёзиш ва уларни буклаш тақиқланади. Конвертлар муҳрланади, йиғмажилдга тикилади ва унинг навбатдаги варағи билан рақамланади. Ишга қўшиб қўйиладиган хат ва хужжатлар кўп миқдорда бўлганида улар йиғмажилдга илова қилинадиган алоҳида пакетга жойлаштирилади. Конверт ёки пакетда унга қўйилган хужжатлар рўйхати қайд этилган ёзув бўлиши керак.

Суриштирув ходими, терговчи, прокурор, судья ишга қўшиб қўйилган ҳужжатлар ва бошқа ёзувларнинг мазкур иш бўйича суриштирув, тергов, суд муҳокамасини юритишга дахлдор бўлмаган шахслардан сир сақланишини таъминлашга мажбурлар.

Ашёвий далиллар ва бошқа объектларни сақлаш учун нам ҳолда ва шикастланишга олиб келиши мумкин бўлган ҳамда бундан кейин далил сифатида текшириш ва фойдаланиш мумкин бўлмаган шу сингари ҳолатларда жойлаштириш тақиқланади. Зарур бўлганда олиб қўйилган объектларни уларни бундан кейин сақлаш имконини берадиган ҳолатга келтириш бўйича тезкор чоралар кўрилиши керак.

Барқарор бўлмаган, шунингдек бир марталик аломатларга ёки вақтинчалик тусдаги аломатларга эга бўлган предмет олиб қўйилган тақдирда олиб қўйишни амалга оширган орган уни қўздан кечиришни ва кўрик натижаларини Ўз.Рес. ЖПК 141-моддасининг талабларига мувофиқ қайд этишни таъминлаши шарт.

Келиб чиқиши биологик тусда бўлган, шу жумладан микроскопик ёки кимёвий текшириладиган, тез шикастланадиган объектлар оғзи зич ёпиладиган идишларда сақланиши керак. Бундай объектларни ўраб-жойлашни суд-тиббий муассасалар ходимлари амалга оширадилар.

Эксперт текшириши тугаллангач биологик объектларни сақлаш дастлабки тергов ўтказилган жойда амалга оширилади. Агар биологик объектларни сақлаш учун маҳсус шарт-шароитлар талаб қилинса, улар раҳбарият билан келишган ҳолда суд-тиббий муассасада амалга оширилади.

Сақлаш муддати 72 соатни ташкил этмайдиган, тез бузиладиган товарлар, шунингдек яроқлилик муддати бир ойдан ошмайдиган товарлар, улардан кейинчалик фойдаланиш тўғрисида қандай қарор қабул қилинишидан қатъи назар, истеъмолга (қайта ишлашга, фойдаланишга) яроқлилиги хусусида экспертиза хulosаси ва баҳолаш олинган пайтдан бошлаб бир кеча-кундуз давомида олиб қўйишни амалга оширган орган

томонидан суд ижрочиларининг иштирокида сотиш учун савдо ташкилотларига топширилади.

Бунда товарларни сотишдан олинган маблағлар товарни давлат даромадига ўтказиш ёки қайтариш тўғрисида ижро хужжати олинишига қадар суд ижрочилари тегишли бўлинмаларининг депозит хисобварақларига қайд этилиши керак.

Тез бузиладиган, шунингдек яроқлилик муддати бир ой давомида тугайдиган товарлар истеъмол қилиш, ишлатиш ёки қайта ишлашга яроқсизлиги тўғрисида эксперт хulosаси чиқарилган тақдирда уларнинг олиб қўйилишини амалга оширган суриштирув ходими, терговчи, прокурор ва судья суд ижрочиси, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг вакиллари ва холислар ҳозирлигига Низомда назарда тутилган барча талабларни бажарган ҳолда мол-мулкни йўқ қиласидар.

Шундай қоидалар белгиланишга қарамасдан, амалиётда кўп ҳолларда хатланган мулкни йўқотиш бегоналаштириш ҳоллари учраб турибди. Бу ҳозирнинг муаммоси эмас, олдинлари ҳам бўлган. С.Тюрин ва С.Самойловлар хатланган мулкни эгасига қолдирмасликни таклиф қилганлар<sup>1</sup>. Ф.Н.Багаутдинов ҳам хатланган мулкни гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларниг яқин қариндошларига қолдирмасликни тавсия қиласидар.<sup>2</sup>

Лекин мулк ноқонуний бегоналаштириш ёки тасарруф этишга имкон берадиган ҳолатларда мулкни эгасига ёки унинг яқин қариндошларига қолдиришдан бошқа йўл бўлмайди. Мисол учун ижрога қаратилиши мумкин бўлган ҳайвонларни сақлаш харажатни талаб қиласидар. Уларни сақлаш мумкин бўлган ташкилотлар хусусий мулк шаклида ўтганлиги учун уларнинг хўжалик фаолиятига ҳадеб аралашавериш салбий оқибат келтириб чиқаради. Бундай пайтларда мулкни хатлаётган суриштирувчи,

<sup>1</sup> Тюрин С., Самойлов С. Обеспечивать полное возмещение материального ущерба, причиненного преступлением // Социальная законность. - 1973. - № 4. - С. 9.

<sup>2</sup> Багаутдинов Ф.Н. Наложение ареста на имущество и ценные бумаги по УПК РФ // Российский следователь. – 2002. -№10. - С. 4-5

терговчи, прокурор ёки судья мулкнинг хусусиятидан келиб чиқиб ёндашиши керак.

### **III БОБ. ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРДА ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.**

#### **3.1. Мол-мulkни мусодара қилиш бўйича халқаро стандартлар.**

XXI аср жиноят ишларини юритиш бўйича халқаро ҳамкорликнинг жадаллашгани, хусусан жиноий йўл билан топилган мол-мulkларни ўз давлатига қайтаришга қаратилган ҳаракатлар ортиб бораётганлиги билан характерланади. Ҳозирда шахсга ва унинг мулкига қарши қаратилган жиноятларнинг тобора трансмиллий характер касб этиб бораётганлиги, ноқонуний ўзлаштирилган пул воситаларини хорижда яширишнинг замонавий усуллари пайдо бўлиб бораётганлиги турли давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг анъанавий шакллари бўйича ҳамкорлик қилишдан ташқари халқаро қидирув, жиноий йўл билан топилган мулкка банд солиш ва мусодара қилишнинг янги самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Жиноятчиликка қарши халқаро ҳамкорликни белгиловчи ҳужжатлар умумий, минтақавий ва аъзо давлатлар учунгина амалда бўладиган турларга бўлинади. Бундан ташқари халқаро ҳужжатлар аъзо бўлган давлатлари учун мажбурий ва тавсиявий характерда бўладиган турларга ажратилади.

Халқаро шартномалар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва кўп томонлама бўлади.

Ўзбекистон Республикаси БМТ, МДҲ, ШҲТ каби ташкилотлар доирасида ва қатор давлатлар билан айнан жиноятчиликка қарши курашиб бўйича ҳамкорлик ишларини амалга ошириб келмоқда. Ушбу форматдаги ҳамкорликни назарда тутувчи ҳужжатларда айнан жиноят нарсаси ёки

жиноий йўл билан топилган активларни аниқлаш, хатлаш ва ҳақли давлатга қайтариш қоидалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси томонидан Туркия Республикаси, Латвия Республикаси, Грузия, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Литва, Қозогистон, Озарбайжон Хитой Халқ Республикаси, Украина, Ҳиндистон, Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Чехия, Корея Республикаси, Болгария Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар ўртасида ҳуқуқий, хусусан жиноят ишлари бўйича ёрдам кўрсатиш тўғрисида икки томонлама шартномалар тузилган<sup>1</sup>.

Агар ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома имзоланмаган муайян давлат худудида бирор процессуал ҳаракатни бажариш зарурияти туғилса, ўзаролик принципи асосида муносабатга киришилади жумладан, процессуал ҳаракатни бажариш хусусида сўров жўнатилади. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш хусусида халқаро хужжатларнинг аксариятида «ҳуқуқий ёрдам ҳажми» деб аталувчи қисм (бўлим, банд, модда) мавжуд бўлиб, унда ўтказиладиган ёки ўтказилиши таъминлаб бериладиган процессуал ҳаракатларнинг рўйхати келтирилади. Ёки ҳуқуқий ёрдам ҳажми сифатида кўрсатилмаган бўлса-да, ўзаро ёрдам тариқасида бажариладиган ишларнинг нималардан иборатлиги кўрсатилади. Бу рўйхат ҳамма шартномаларда бир хил таркибли эмас. Мисол учун 2002 йил 18 январда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномада «сўров юборилаётган давлат қонунчилигига назарда тутилган процессуал ва бошқа ҳаракатларни бажариш, жумладан:» қатор ҳаракатлар санаб ўтилган (Шартноманинг 5- моддаси). Буни шундай талқин қилиш мумкинки, барча процессуал ҳаракатларни ўтказишга ўзаро қўмаклашиш хусусида Ўзбекистон ва Чехия ўртасида келишиб олинган. 2000 йил 5 май куни Дехлида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида

---

<sup>1</sup> <http://mfa.uz/en/cooperation/legalrelations/> (2020 йил 25 апрель ҳолатида)

жиноий ишлар юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномада ҳуқуқий ёрдамнинг айнан нималардан иборатлиги қуидагича белгиланган:

- 1) шахс ва предметларнинг жойлашган жойини аниқлаш ва идентификация қилиш;
- 2) хужжатлар хусусан шахснинг ҳозир бўлиши учун талаб килинадиган хужжатларни бериш;
- 3) маълумотлар, хужжатлар ва бошқа материаллари хусусан жиноят ва суд ишлари материалларини тақдим қилиш;
- 4) мол-мулкни ўтказиш;
- 5) ашёвий далилларни вақтинча бериб туриш;
- 6) шахслардан гувоҳлик кўрсатуви ва аризаларини олиш;
- 7) тинтув ва олиб қўйишни ўтказиш ҳақидаги сўровларни бажариш;
- 8) қамоқда сақланган шахслар ва бошқа шахслар хусусан эксперtlарни тергов қилишда ёрдам кўрсатилишини ва гувоҳлик кўрсатувларининг берилишини таъминлаш;
- 9) жиноят натижасида топилган мулклар жойлашган жойни аниқлаш, таъкиқ қўйиш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш бўйича чоралар кўриш;
- 10) терроризм мақсадлари учун мўлжалланган воситалар турган жойни аниқлаш, идентификация қилиш, таъкиқ солиш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш бўйича чоралар кўриш;
- 11) шартнома мақсадларига мувофиқ бошқа турдаги ёрдамларни бериш (шартноманинг 6-моддаси).

Худди шундай бошқа шартномаларда ҳам айrim процессуал ҳаракатлардан таркиб топган муайян ҳуқуқий ёрдам ҳажми хусусида келишиб олиниши мумкин.

БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муносабат бўйича VIII Конгресси якунлари бўйича БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов соҳасидаги халқаро ҳамкорлик бўйича Тавсиялар» қабул қилиниб,

унда жиноий йўл билан топилган воситалар ва мулкни мусодара қилиш бўйича ҳукуқий қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда банк ҳисобрақамларида сақланаётган жиноий йўл билан топилган даромадларга банд солиш ва уларни мусодара қилишга кўмаклашиш мақсадида банк сирларига нисбатан халқаро ёрдам қўрсатишнинг стандартларини ишлаб чиқиш таъкидланган<sup>1</sup>.

Айнан жиноят қуроллари, жиноят нарсаси, жиноий йўл билан топилган мол-мулк обьектларини давлат ўртасида хатлаш ва қайтариш борасидаги ҳамкорликда «Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисида»ги Вена конвенцияси<sup>2</sup> (1988 йил 19 декабрь) муҳим аҳамият асб этиб, конвенцияни ратификация қилган давлатлар гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларини хатлаш ва топшириш тўғрисидаги сўровни қабул қилган давлат ушбу сўровни ижро этишга киришиш мажбуриятини олганлар. Ўзбекистон ушбу конвенцияга 1995 йил 24 февралда қўшилган<sup>3</sup>. Ушбу конвенция нафақат Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларнинг трансмиллий муомаласини камайтиришга хизмат қилди, шу билан бирга давлатларнинг ва унинг органларининг бу борадаги ҳамкорлигини кучайтириди. Ушбу конвенциянинг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири, нафақат жиноят предмети бўлган обьектлар, балки уларни реализациядан олинган даромадларнинг ҳам хатланиши мумкинлиги ва бу борада давлат ҳамкорлигини бошлаб берди<sup>4</sup>.

Мазкур хужжат гиёҳванд воситалари билан савдо қилувчиларни жиноий фаолиятдан олинадиган даромадлардан маҳрум қилиш ва ушбу даромадларнинг муомалага эркин киришининг олдини олиш мақсадларига йўналтирилганлиги боис уни имзолаган иштирокчи-давлатларнинг

<sup>1</sup> Резолюция Генеральной Ассамблеи. Сборник стандартов и норм ООН в области предупреждения преступности и уголовного правосудия. – Нью-Йорк, 1992. – С. 50.

<sup>2</sup> [www.unodc.org > pdf > convention\\_1988\\_ru](http://www.unodc.org/pdf/convention_1988_ru)

<sup>3</sup> Постановление Олий Мажлиса Республики Узбекистан “О присоединении к конвенции организации объединенных наций о борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ” от 24 февраля 1995 г // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995 г., № 4, ст. 39

<sup>4</sup> Кунев Д.А. Противодействие перемещению преступных активов за рубеж и их возврат в Российскую Федерацию: уголовно-процессуальные аспекты. Дисс... .к.ю.н. – Москва, 2019. С.65.

ваколатли органларига гиёхванд воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасидан олинган даромадларни кейинчалик уларни мусодара қилиш мақсадида аниқлаш, уларни музлатиш, банд солиш бўйича чоралар кўриш мажбуриятини юклаган. Конвенциянинг 5-моддасида унинг иштирокчилари гиёхванд воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасидан олинган даромадларни, хусусий мол-мulkни ҳамда Конвенцияда назарда тутилган жиноятларнинг содир этилиши билан боғлиқ бошқа ҳар қандай ашёларни кейинчалик уларни мусодара қилиш мақсадида аниқлаш, уларни музлатиш, банд солиш бўйича чоралар кўришлари лозимлиги қайд этилган.

Конвенция мусодара қилиниши лозим бўлган мулкни қидириш ва уни мусодара қилиш бўйича хуқуқий ёрдам кўрсатишининг процессуал тартибини белгилаб берган бўлиб, бундай ёрдам тегишли давлатга хуқуқий ёрдам тўғрисида ёзма шаклда сўров юборилиши ҳамда сўровни қабул қилган давлатнинг ўз ички қонунчилиги асосида хуқуқий ёрдам кўрсатиши кўринишида амалга оширилиши назарда тутилган.

БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов бўйича еттинчи сессиясида (1998 йил 21-30 апрелда) жиноят ишлари бўйича одил судлов соҳасидаги ўзаро хуқуқий ёрдам масаласи бўйича хукуматлараро экспертлар гуруҳининг маъruzаси тинглиниб, унда музокаралар давомида экспертлар томонидан жиноий йўл билан топилган даромадларга банд солиш ёки уларни мусодара қилиш бўйича давлатларнинг ички қонунчилигини шакллантириш ва бу борада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш жиноятчиликка қарши курашишда самарали усуллардан бири эканлиги эътироф этилиб, Ўзаро хуқуқий ёрдам тўғрисидаги Намунавий шартномага Факультатив баённомага бу борадаги қоидалар киритилиши келишиб олинди. Лекин кўпчилик экспертлар ушбу ҳаракатни фақатгина дастлабки кўйилган қадам сифатида эътироф этишиб, ундан ташқари Факультатив баённомага мусодара қилинган даромадларни

давлатлар ўртасида одилона тақсимлаш ҳақидаги қоидани киритиш масаласини ҳам илгари суришди<sup>1</sup>.

Ўзаро хуқуқий ёрдам тўғрисидаги Намунавий шартномаси кўлланмада белгиланишича, тегишли давлатда жиноий фаолиятдан олинган даромадлар яширилишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўриш учун тегишли хуқуқий база бўлиши лозим.

Мол-мулкни хатлаш борасидаги халқаро ҳамкорликни назарда тутувчи кейинги умумий ҳужжат 1999 йил 9 декабрдаги «Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Халқаро конвенция (Нью-Йорк) бўлиб, Ўзбекистон ушбу ҳужжатни 2001 йил 12 майда ратификация қилган<sup>2</sup>. Бу конвенцияда терроризмни молиялаштириш ҳолати билан боғлиқ ҳар қандай мол-мулк, электрон ҳужжатлар айланмаси, ҳужжатлар ҳам хатланишини киритиш билан жиноятчиликка қарши муросасиз кураш усуллари белгиланди.

Бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми БМТ томонидан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенция ҳисобланиб, Ўзбекистон унга 2003 йил 30 августда қўшилган<sup>3</sup>. Ушбу конвенция биринчи бўлиб, коррупцияга қарши жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кескин чоралар кўриш, активларни хатлаш ва ҳисобрақамларни музлатиш чораларини назарада тутувчи халқаро ҳужжат бўлди. Унда жиноий йўл билан даромадларга таъриф берилди, музлатиш, олиб қўйиш ва арест (мулкни арест қилиш)нинг аниқ чегаралари белгиланди. Жиноий йўл билан эгаллаб олинган мулкларнинг қонуний эгаларига қайтарилиши масаласи ҳам алоҳида диққатга сазовор. Ушбу масала Конвенциянинг

<sup>1</sup> Милинчук В.В. Институт правовой помощи по уголовным делам. – М., 2001. – С. 168.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 225-II-сонли «Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро Конвенцияни ратификация қилиш хақида»ги Қарори // lex.uz/tu/docs/2124077

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 августдаги 536-II-сонли «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида»ги қарори // lex.uz/docs/1304566

14-моддасида мулкни ёки пул маблағларини уларнинг келиб чиқиш давлатига қайтариш масаласи бўйича қўйидагилар қайд этилган:

- жиноят орқали топилган мусодара қилинган даромадлар ёки мулкни жиноят жабрланувчиларига ёки уларнинг қонуний эгаларига компенсация қилиш мақсадида қайтариш;
- уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи ҳукуматлараро орган томонидан мусодара қилинган мулкнинг қийматини пул ўтказиш йўли билан ўтказиш;
- мулкни топшираётган давлатнинг ички қонунчилиги ёки маъмурий тартиблари асосида мусодара қилинган мулкнинг бир қисмини бошқа давлатга доимий ёки бир марталик асосда топшириш<sup>1</sup>.

2003 йил 31 октябрда БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси қабул қилинди ва унга Ўзбекистон 2008 йил 28 августда қўшилди<sup>2</sup>. Ушбу конвенция Ўзбекистон ҳуқук ва уни қўллаш амалиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ишларни ташкил этиш мазмуни бир мунча сезиларли таъсирларни намоён қилди. Унинг мазмунига мос келадиган нормаларни ўзида ифода этган хусусан, 2017 йил 3 январда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди, 2019 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5729-сон Фармони ва унинг асосида 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур деярли барча давлат органлари тизимида чора-тадбирлар режалари, йўл хариталари қабул қилинишига сабаб бўлди<sup>3</sup>.

Ушбу конвенция номидан қўриниб турганидек, мулк билан боғлиқ коррупцион жиноятларга қарши кураш борасида дунё мамлакатлари

<sup>1</sup> Конвенция ООН против транснациональной организованной преступности от 15 декабря 2000г. // Международно-правовые основы борьбы с терроризмом. Сборник документов. – М., 2003.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси” (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) ўзбекистон республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 260-модда

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/1461327>

ҳамжиҳатлигини кўзлаганлиги боис унда мулкни хатлаш масалисига алоҳида эъибор қаратиш табиий ҳол эди. Шундан келиб чиқиб, конвенцияда «операцияларни тўхтатиш (музлатиш)» «арест» ва «мусодара» тушунчаларига таъриф берилди. Уларнинг мазмуни миллий қонунчилигимиздаги таърифларга мос келади.

Конвенциянинг 31-моддасида айнан юқоридаги тушунчадан келиб чиқадиган қоидалар назарда тутилди. Жумладан, ҳар бир аъзо давлат зиммасига ички қонун ҳужжатлари асосида жиноий даромадларни ва жиноятни содир этишда фойдаланилган мол-мулк объекларини (қуролини), мусодарани имкониятларини таъминлаш чораларини кўриш мажбурияти юклатилди.

2011 йил 6 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг бир қатор халқаро шартномалари жумладан, «Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё грухи тўғрисидаги Битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди ва маъқулланди. Битим Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё грухи (ЕОГ)нинг асосий мақсадлари ҳамда вазифаларини белгилаб беради, унинг устав органларини ҳамда ЕОГта аъзо бўлиш шартларини аниқлаштиради, шунингдек, ташкилот фаолиятини молиялаш механизмларини конкретлаштиради. Ўзбекистон Республикасининг ЕОГ фаолиятида иштирок этиши жиноий даромадларни легаллаштиришга (тозалаб олишга) ва терроризмни молиялашга қарши курашиш соҳасида Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашища молиявий чораларни ишлаб чиқувчи грух (ФАТФ - Financial Action Task Force), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари билан конструктив ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган бўлди.

Умуман олганда Жиноят қуроллари, жиноят излари бўлган ашёлар ёки жиноий йўл билан топилган предметларни топшириш ўзаро ҳукукий ёрдам кўрсатиш доирасида сўралиши мумкин. Бунда сўров бўйича тақдим этилган предметлар уларни қабул қилган давлатда уларга нисбатан зарурат йўқолганда зудлик билан ушбу предметларни тақдим этган давлатга қайтарилиши лозим. Бироқ, жиноят содир этилиши натижасида эгалланган ва қонуний эгаларига қайтарилиши лозим бўлмаган предметлар қайтариб бермаслик шарти билан топширилиши мумкин. Бунда жиноят иши бўйича мазкур предметларни топширишни жиноятчини ушлаб бериш билан бирга сўраш мақсадга мувофиқ. Аммо буни амалга оширишга фақатгина ушбу предметларга нисбатан учинчи шахсларнинг ёки уларни топшириш сўралган давлатнинг ҳукуклари бўлмагандага йўл қўйилади.

Ушбу йўл билан фақат жиноят натижасида топилган мулк қайтарилиши мумкин. Агар ушбу мулк сотилган бўлиб, унинг сотилишидан олинган даромад бошқа давлат ҳудудида легаллаштирилган бўлса мазкур йўл самарасиз ҳисобланади, чунки ушбу ҳолатда субъект жиноятни, яъни жиноий йўл билан топилган даромадни легаллаштиришни сўров юборилган давлат ҳудудида содир этган бўлади. Бундай ҳолда жиноий йўл билан топилган даромадларни мусодара қилиш учун қидириш ва банд солишга кўмаклашиш кўринишидаги ҳукукий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

Мулкни кейинчалик мусодара қилиш учун унга банд солиш ва ҳисоб рақамларни музлатиш ҳақидаги сўров бўйича ҳукукий ёрдам кўрсатилиши учун сўров юборган давлат ушбу мулкнинг ёки ҳисобрақамдаги маблағларнинг ноқонуний операциялар ёки умуман сўровда кўрсатилган жиноий фаолият билан боғлиқлигини асослантириши лозим. Кўпгина давлатларда хорижий давлатдан келадиган бундай сўровларнинг ўзигина мулкка банд солиш учун асос ҳисобланмасдан, балки тегишли шахсга нисбатан ўз терговини қўзғатиш учун асос сифатида қабул қилинади. Бунда айбланувчининг мулкини, шунингдек, жиноий йўл билан топилган

мулкнинг яширилишига қарши чоралар кўриш ҳақидаги қарор сўровни қабул қилган давлат томонидан қабул қилинади.

Ўз навбатида, сўровни қабул қилган давлат жиноий йўл билан топилган даромадларнинг легаллаштирилишига қарши қураш соҳасида самарали ҳалқаро ҳамкорлик олиб бориш мақсадида тегишли шахснинг банк ёки бошқа молия муассасаларидаги молиявий операциялар ҳақида зарур маълумотларни, кейинчалик хорижий терговларни олиб бориш учун, тақдим этиш талаб этилади.

Мулкни мусодара қилиш масаласи суд муҳокамасининг якунида ҳал этилиши сабабли илгари ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларда жиноий йўл билан топилган даромадларни мусодара қилиш бўйича қоидалар киритилмаган.

Сўров юборилган давлат судининг жиноий йўл билан топилган мулкка банд солиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши учун сўров юборган давлат ушбу қарорга асос бўлувчи маълумотларни юбориш билан чекланиб қолмасдан, балки бу ҳақидаги тегишли шаклдаги далилларни ҳам тақдим этиши лозим<sup>1</sup>.

Одатда, хорижий давлат томонидан маълум давлатга юқорида қайд этилган мазмундаги сўровлар юборилганда мазкур сўров асосли бўлиб, уни юборишининг барча қоидаларига риоя қилинган бўлса, уни қабул қилган давлат икки йўлдан бирини танлайди, яъни хорижий давлат томонидан сўровга илова қилинган ўша давлат ҳукмининг мулкка банд солиш ёки уни мусодара қилиш ҳақидаги қисмини ўз ҳудудида ижрога қаратади ёки тақдим этилган далиллар асосида мулкка нисбатан ўз қарорини қабул қиласди.

Назаримизда мулкни хатлаш масаласида ҳалқаро ҳамкорликни таъминлаш борасида кўплаб ишларни амалга оширдик. Бироқ, амалга оширилган тадбирлардан бири кўшма тергов ва тезкор қидирув

<sup>1</sup> Руководство по Типовому договору о выдаче и Руководство по Типовому договору о взаимной помощи в области уголовного правосудия. Международный обзор уголовной политики. ООН, Нью-Йорк, 1995. – С. 66.

гурухларини тузишга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, шу масалага ҳам алоҳида эътибор бериш вақти етиб келди. Бугунги кунда давлатлараро тезкор-тергов гурухлари тузиш тенденцияси ошиб бормоқда. Жумладан, 2014 йил 17 июль куни Амстердам (Нидерландия) - Куала-Лумпур (Малайзия) йўналишида учаётган Malaysia Airlines авиакомпаниясига тегишли «Боинг-777» самолёти Украинанинг шарқий қисмида уриб туширилган эди. Мазкур авиаҳалокат натижасида 298 та инсон ҳалок бўлганлиги ва уларнинг асосий қисми Нидерландия фуқаролари ҳамда Малайзия, Австралия ва бошқа Европа давлатлари фуқаролари бўлган. Мазкур воқеанинг айборини топиш мақсадида 2014 йил 7 августда Украина, Нидерландия, Бельгия, Австралия ва Малайзия давлатларининг прокурорлари ва бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари, ҳамда Evrojust вакилларидан иборат бўлган ҳалқаро тергов гурухи тузилган<sup>1</sup>.

Бу масалада олима Д.Умархонова ушбу масаладаги таклифини кўллаш лозим. Уларнинг фикрича, тезкор-тергов гурухлари ўзаро ҳукуқий ёрдам кўрсатишнинг янги шаклларидан бири эканлиги ва бугунги кунда бу борада ҳалқаро тажриба мавжудлиги, содир этилган жиноятлар трансчегаравий хусусиятга эга бўлиши, далилларни тўплашда ёки топишда тезкор ахборот алмashiш ва бунга давлатларнинг ваколатли органлари биргаликда ҳаракат қилиши ҳамда мазкур тадбирлар давлатлараро маҳсус келишувлар билан расмийлаштирилишини ҳисобга олиб, БМТ томонидан «Тезкор-тергов гурухларини тузиш тўғрисида»ги Намунавий шартнома қабул қилиниши лозим<sup>2</sup>. Ушбу намунавий шартнома 2017 йил 21 июлда БМТнинг Ҳалқаро ҳукуқ комиссияси томонидан Женевада ўтказилган Ҳалқаро ҳукуқ семинарида қабул қилинган. Ҳалқаро ҳамкорликнинг ушбу йўналишини йўлга қўйиш давлатларнинг ваколатли органлари томонидан тергов ва терговга қадар текшириш босқичларида иш юритиш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, хусусан жиноий активларни қўлга

<sup>1</sup> Yuridik fanlar axborotnomasi-Вестник юридических наук-Review of Law Sciences 2 (2018) 46-50 // [https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1092&context=rev\\_law](https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1092&context=rev_law)

<sup>2</sup> Умархонова Д. Ш. Жиноят ишлари бўйича ҳалқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш. Ю.ф.д. ... диссертация. Т., 2018. -257-б.

киритишга эришилади. Бу албатта давлатларнинг дахлсизлиги ва хавфсизлигига таҳдидларни олдини олишида ҳам аҳамиятли бўлади.

### **3.2. Айрим хорижий давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигига мол-мулкни мусодара қилиш ва уни таъминлаш масалаларининг тартибга солиниши.**

Хукуқ институтлари хусусан, мол-мулкни мусодара қилиш ва уни таъминлаш масаласида хориж тажрибасини ўрганиш, аввало, миллий жиноят қонунчилигимизни такомиллаштириш нуқтаи назаридан аҳамиятли ҳисобланади. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай замонавий мамлакатнинг жиноят қонунчилиги бутун жамият муносабатларини тартибга солиш учун марказий долзарб мавзулардан ҳисобланади.

Франция, Швеция, Швейцария, Нидерландия, Белгия, Дания, Полша, Эстония Республикаси, Латвия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа бир неча мамлакатлар жиноят қонунчилигига айнан жиноий йўл билан топилган даромадларни мусодара қилиш жазоси белгиланган. Бу умумий чора сифатида мол-мулкни мусодара қилиш ер юзининг барча давлатларида, ҳеч бўлмаганда жиноят-процессуал чора сифатида мавжуд.

Махсус жазо сифатида мол-мулкни мусодара қилиш жуда кам давлатларда мавжуд<sup>1</sup>.

Умумий жиноятлар (коррупцион бўлмаган) учун махсус мусодара қилишга, яъни жиноят ашёлари (масалан, қалбаки пуллар), жиноят воситалари ва жиноий йўл билан олинган ашёларни мусодара қилишга йўл қўйилади. Бироқ, ҳатто, бу давлатлар қонунчилигига мол-мулкни умумий чора сифатида мусодара қилишда ҳам бир қатор шартлар белгиланади. Масалан, Данияда мулк хукуқи шу даражада муҳофаза этиладики, агар жиноий йўл билан топилган мол-мулкка бирор шахс даъво қилиб чиқсагина мусодара қилиниши мумкин. Мазкур мамлакатда жиноят

<sup>1</sup> Козочкин И.Д. Учебное пособие. — М.: Омега-Л, Институт международного права и экономики им. А. С. Грибоедова, 2003. — 216 с

куролини мусодара қилишга фақатгина ушбу буюм жамоат хавфсизлиги учун зарур бўлсагина йўл қўйилиши белгиланган (Дания жиноят кодексининг 77-§).

Келаждақда мусодара бўлиши лозим бўлган мулкларни хатлаш масаласи жиноят натижасида етказилган зиённи жиноят процессида қўшиб кўриш қоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Айрим хорижий давлатларда жиноятдан келиб чиқадиган зиён фуқаролик тартибида кўрилса, айримларида жиноят процессининг ўзида қўшиб кўрилади ва аралаш жиноят процесси (Adhasionsprozess) ҳам деб юритилади<sup>1</sup>.

Хозирги замон Буюк Британияда жазоларнинг амалдаги тизими уларнинг асосий ва қўшимча даражаланишини кўзда тутмайди, балки беш тоифадаги жазоларни, шу жумладан молиявий жазоларни ҳам назарда тутади, бу эса ўз навбатида, мусодара қилишни ҳам ўз ичига олади. 1973 йилдаги Жиноят судлари ваколатлари тўғрисидаги қонуни билан судларга бирон-бир жиноятни содир этиш учун мўлжалланган, шу мақсадда фойдаланилган ёки жиноятнинг содир этилишида ёрдам берган ҳамда жиноятчига тегишли бўлган ёхуд унинг назоратида бўлган ҳар қандай мол-мулкни мусодара қилиш хуқуқи берилган. Қонунда таъкидланишича, бундай ҳолларда суд мол-мулкнинг қийматини ва мусодара қилиш тартибини беришнинг эҳтимолий молиявий ва бошқа оқибатларини ҳисобга олиши керак. Бундан ташқари, судлар жиноят тушумини мусодара қилиш хусусида қарор қабул қилиш хуқуқига эга. Бундан кўриниб турибдики мусодара қилиш ёки мусодара қилмаслик судларнинг хоҳиш иродасига боғлаб қўйилган. Судларга бундай кенг ваколатни бериш умумий хуқуқ тизимига хос ҳолатдир. Бу бир томондан, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, адолатни қарор топтириш учун муҳим бўлса, иккинчи хафвли томони мазкур ваколатнинг сустеъмол қилинишига олиб келиниши мумкин.

<sup>1</sup> Шамаева Н.К. Зарубежное законодательство и практика возмещения ущерба, причиненного преступлением // Вестник Института законодательства Республики Казахстан, №1(5), 2007. –с.128.

АҚШ жиноят хуқуқи тизими ўзига хосликка эга. Қўшма Штатларга аъзо бўлган ҳар бир штат ўз қонунларига эгаки, ҳаттоқи мусодара қилиш борасида ҳам бир биридан фарқланади. АҚШ Қонунлар тўпламига кўра, 60 дан ортиқ жиноятлар учун мусодара қилиш қўшимча жазо сифатида назарда тутилган. Жумладан, молия муассасаларидағи коррупция, наркотрафик, порнографик материаллар тарқатиш, болаларни жинсий эксплуатация қилиш ва бошқа кўплаб жиноятларга нисбатан қўлланилиши мумкин (АҚШ Қонунлар тўплами 982 моддаси – «Жиноий мусодара»). Шу билан бирга, масалан, Ню-Йорк штатининг жиноят кодекси мулкни мусодара қилишни «фуқаролик санкцияси» деб эълон қилган ва шунинг учун Жиноят кодексида қўлланилиши тартибга солинмаган. Иллинойс Жиноят кодексида эса, ерда, сувда ва ҳавода ҳаракатланиш воситалари, шунингдек бизнеснинг айрим турлари билан шуғулланиш хуқуқини берувчи ҳужжатлар ва мол-мулклар мусодара қилиниши мумкинлиги белгиланган<sup>1</sup>.

АҚШда мусодарани ёки заарни қоплаш мақсадида мулкни хатлаш тушунчasi мавжуд эмас. Уларда мулкни музлатиш (asset freezing) ва вақтинчалик таъқиқлов чораси вақтинчага чеклов ордери (temporary restraint order) тушунчалари мавжуд. АҚШда континентал ҳуқуқ тизимидан фарқли равишда ҳуқуқ соҳалари бир-биридан кескин фарқлар билан ажратилган эмас. Шунинг учун юқоридаги чоралар ҳуқуқ соҳалараро институтлар хисобланади. Натижада мулкни хатлашда рестутиция, тергов пайтида хатланган мулкнинг бутлигини сақлаш ва мулкнинг мусодара бўлиш имкониятлари барча ҳуқуқ соҳа қоидалари асосида ҳал қилинади.

Рестутиция тергов вақтида жабрланувчи ва давлатнинг жиноят натижасида йўқотган мулк обьектига бўлган ҳуқуқини тан олиш хисобланади. Бу Жиноят қурбонлари тўғрисидаги қонун билан тартибга

---

<sup>1</sup> Уголовное право зарубежных государств. Общая часть / под ред. И. Д. Козочкина. М., 2003

солинади (The Crime Victims' Right Act , 2004).<sup>1</sup> Рестутиция жабрланувчига етказилган моддий зиён, даволаш харажатлари, жиноят жойини тозалаш харажатларини судланувчининг ҳисобидан қоплаш бўлиб, у суд қарори билан белгиланади. АҚШда бошқа айрим ривожланган давлатлар қатори жабрланувчининг кўрган зиёнини қоплаш жамғармалари бўлганлиги боис улар мулкни хатлаш ҳар қандай ҳолат бўйича ўтказилавермайди. Мусодара бўладиган мулклар бўйича хатлов амалга оширилади. Буни asset freezing<sup>2</sup> деб аташади. Хатловни суд амалга оширади. Хатлов тартиби штатларда ҳар хил. Масалан Жоржия штатида судда айб эълон қилинаётган вақтда хатлов тўғисида ордер чиқарилади. Бошқа айрим штатларда айб эълон қилгунга қадар атторней (бизнинг прокурорларга ўхшайди) илтимоснома билан чиқиб, суддан мулкни хатлашни илтимос қилиб сўрайди<sup>3</sup>.

Таъкидлаш лозимки, жазо турлари орасида мусодара қилишнинг ўрни ва у билан боғлиқ қоидалар бир қатор Фарбий Европа мамлакатлари жиноят кодексларида, шунингдек, собиқ Совет республикалари қонунчилигига тартибга солинган. Мол-мулкни мусодара қилишни қўшимча жазо сифатида белгилаш ғояси Франциянинг жиноят қонунчилигига ўз аксини топган. Мулкни мусодара қилиш 1992 йилги Франция жиноят кодексида мол-мулкни мусодара қилишнинг икки шакли - умумий ва маҳсус мусодара шакллари қўшимча жазо сифатида назарда тутилган. Умумий мусодарани қўллаш қатъий белгиланган бўлиб, у фактат инсониятга қарши жиноятлар учун, шунингдек, гиёҳванд моддаларни ноқонуний ишлаб чиқариш, чегарадан олиб ўтиш ҳолатлари учун қўлланилади<sup>4</sup>. Жиноят ашёларини маҳсус мусодара қилиш, агар бу ашёлар жиноий йўл билан қўлга киритилган мулк ёки жиноят содир этишга хизмат қилган ёхуд жиноятни содир этишга мўлжалланган бўлса,

<sup>1</sup> <https://www.justice.gov/usao/resources/crime-victims-rights-ombudsman/victims-rights-act>

<sup>2</sup> <https://www.absolutebarrister.com/large-business-law/asset-freezing-recovery/>

<sup>3</sup> Шамаева Н.К. Ўша ерда.

<sup>4</sup> Дмитрий В.Т. Конфискация имущества по законодательству европейских и иных зарубежных стран: системообразующие признаки института и их анализ // Человек: преступление и наказание. 2011. № 4 (75). – с. 56

кўшимча жазо сифатида мусодара қилиниши белгиланган<sup>1</sup>.

Франция тизимининг ўзига хос хусусияти юридик шахсларга нисбатан жазо чоралари жиноят кодексида тартибга солиниши бўлиб, улар орасида турли хил мусодаралар, жумладан, умумий мусодара қилиш ҳоллари белгиланган. Тадқиқот давомида бундай қоидаларни бошқа давлатлар қонунчилигида учратмадик.

Франция Жиноят кодексининг 131-39-моддаси 8-бандига кўра, юридик шахслар ҳам уларнинг жиноий қилмишини содир этишга мўлжалланган нарсалари ёки жиноий қилмиш натижасида олинган буюмлари мусодара қилиш билан жазоланиши мумкин<sup>2</sup>.

Япония Жиноят кодекси 2-боби жазо тизимиға бағишлиланган бўлиб, унда 9-моддада жиноий санкция турлари санаб ўтилган ва мусодара қилиш кўшимча жазо деб белгиланган<sup>3</sup>. Япония жиноят кодексининг 19<sup>1</sup>-моддасига кўра қўйидаги объектлар мусодара қилиниши мумкин:

- жиноий ҳаракатнинг таркибий қисми бўлган объект;
- жиноий ҳаракатни содир этишда фойдаланиладиган ёки фойдаланишга мўлжалланган объект;
- жиноий ҳаракат орқали ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган объект ёки жиноий қилмиш учун мукофот сифатида олинган объект;
- мусодара қилиниши лозим бўлган мулк эвазига олинган мулк обьекти<sup>4</sup>.

Украина ЖКнинг 59-моддасига кўра, мулкни мусодара қилиш оғир ва айниқса ўта оғир жиноятлар учун, шунингдек, ижтимоий хавфлилик даражасидан қатъи назар, Украина миллий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар учун, Жиноят Кодекснинг маҳсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган ҳолларда қўлланилиши

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда, 182-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; 2007 й., 6-сон, 248-модда, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 2007 й., 17-18-сон, 171-модда, 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 502-модда, 503-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 84-модда, 94-модда, 37-38-сон, 363-модда, 365-модда, 39-сон, 390-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 179-модда, 38-сон, 415-модда, 52-сон, 552-модда, 553-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 314, 315-моддалар, 39-сон, 340-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 161, 162-моддалар; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2012 й., 1-сон, 3-модда, 38-сон, 433-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 23.10.2019 й., 03/19/572/3943-сон; 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон; 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.12.2019 й., 03/19/587/4122-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон, XXX-сон) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 275-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий ва

маънавий зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда сугурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади”;

**2) 277-модда қўйидаги биринчи қисм билан тўлдирилсин:**

“Жиноят иши бўйича муайян шахснинг мулкий зиён кўрганлиги ва ундан хабарсиз эканлиги аниқланганда, мазкур шахсга бу ҳақида хабардор қилиниши ҳамда фуқаровий даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилиши шарт”;

**3) 277-модданинг матни ушбу модданинг иккинчи қисми ҳисоблансан;**

**4) қўйидаги янги модда билан тўлдирилсин:**

**“285<sup>1</sup>-модда. Жиноят нарсаси, қуроли ва жиноий йўл билан орттирилган мол-мулклар топилган шахсга уларни сотиш.**

Суд фуқаролик муомаласида бўлиши тақиқланмаган жиноят нарсаси, қуроли ва жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни, уларнинг қонуний эгалари топилмаган ёки қайтарилишини талаб қилмаган тақдирда, ушбу мол-мулкни давлат фойдасига мусодара қилиш давлат учун аҳамиятсизлиги ёхуд улардан давлат эҳтиёжлари учун фойдаланиш кўп харажатларга сабаб бўлиши ҳақида хуносага келса, улар кимдан топилган бўлса, ушбу шахсларга бозор қийматида сотиш ҳақида суд томонидан қарор чиқарилиши мумкин.

Суд томонидан бундай қарор қабул қилиниши учун мазкур шахслар суд маслаҳатхонага киргунга қадар ариза билан мурожаат қилишлари ва сотиб олиш учун маблағларни тўлашнинг кафолатини тақдим этишлари шарт.”

**5) 290-модданинг биринчи қисми қўйидаги жумлалар билан тўлдирилсин:**

“Бошқа шахсларнинг мулклари ушбу кодекснинг 285 ва 287-моддаларида назарда тутилган асосларда хатланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг хатланиши мумкин бўлган мол-мулки хатлашдан яшириш мақсадида бошқа шахсларга ўтказилганлиги хусусида далиллар етарли бўлса, ушбу мулклар ҳам хатланиши мумкин”;

**6) 290-модда қўйидаги мазмундаги ўн биринчи қисм тўлдирилсин:**

“Келажакда мусодара этилиши мумкин бўлмаган мол-мулкларни хатлашга йўл қўйилмаслиги ҳамда жиноят ишларини тергов қилишда мулкдорига, эгасига ва фойдаланувчисига қайтарилиши лозим бўлган мол-мулк обьектлари жиноят иши тўхтатилганда дарҳол қайтарилиши лозим”;

**7) 294-модда қўйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:**

“Мол-мулк хатлашда унинг бутлигини (яроқлигини) ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш орқали таъминлашга эришиб бўлмасагина мазкур чора қўлланилади”;

**8) 294-модданинг кейинги қисмлари тегишинча ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари ҳисоблансан;**

**9) 295-модда қўйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилсин:**

“Жиноят ишини юритишда фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ёки унинг даъвоси қаноатлантирилганда мол-мулкнинг хатланганлигини бекор қилиш хусусида суриштирувчи, терговчи прокурор қарор ёки суд ажрим чиқаради.

Жиноят ишлари тўхтатилганда ишга алоқадор бўлмаган шахсларга тегишли мол-мулкнинг хатланганилиги ёки гаровга қўйилганлиги бекор қилиниши лозим”.

10) **577-модданинг бешинчи қисми** қуидаги мазмунда баён қилинсин: “Кейинчалик руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахс содир этган жиноят ёки ақли норасолик ҳолатида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш туфайли мулкий зиён қоплаш ҳақида даъво қиласанда, ушбу масалани жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш қоидалари аосида ҳал этилади”.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги  
қонуни лойиҳаси ва амалдаги қонун хужжатларининг  
КИЁСИЙ ЖАДВАЛИ**

<b>№</b>	<b>Амалдаги таҳрир</b>	<b>Таклиф қилинаётган норма</b>	<b>Асос</b>
1	<p><b>275-модда Жиноят процессида кўриладиган фуқаровий даъволар.</b>  Бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дағн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини хамда сугурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади.</p> <p>Фуқаровий даъвонинг судловга тегишлилиги бу даъво қўзғатилган жиноят ишининг қайси судловга тегишлилигига қараб аниқланади.</p>	<p><b>275-модда биринчи қисми</b>  Бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий <b>ва маънавий</b> зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дағн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини хамда сугурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади.</p>	<p>Жиноят процесси назариясида маънавий зиён ҳам фуқаровий даъво обьекти ҳисобланади. Жиноят ишини юритишда маънавий зиён масаласининг кўрилиши борасида кўплаб ривожлаган давлатларда катта тажриба тўпланган. Лекин бизнинг юридик адабиётларда бу масала XX аср иккинчи ярмидан бошлаб ёритила бошланган. Ҳозирда эса, маънавий зиённинг қопланиши устувор илмий концепция сифатида эътироф этилган. Жиноят ишида ёки реабилитация қилинганлиги муносабати ҳукуқларни тиклаш масаласи кўрилаётганда маънавий зиённи пул шаклида қоплаш мумкинлиги ҳеч кимнинг қаршилигига учрамайдиган судлар фаолиятидаги кундалик қоидага ҳам айланиб улгирган.</p> <p>Аммо жиноят-процессуал қонунчилиги бу борада ижтимоий муносабатлардан ва назариётдан ортда қолган десак муболага бўлмайди. Чунки ЖПК 277-моддасида кўрсатилган фуқаровий даъво обьектлари қаторида маънавий зиён киритилмаган.</p> <p>Маънавий зиён кўрилганлиги ва уни қоплаш ҳақида талаб қилинганида унинг қийматини аниқлаб, уни қоплаш учун мол-мулкни қоплаш кўплаб қийинчиликларга сабаб бўлар. Бироқ, фуқароларнинг яна ортиқча харажат қилиб, фуқаролик судларига мурожаат қилишлари ва тергов органларининг маънавий</p>

			зиён масасида бош қотирмасликлари ишбий ҳолат эмас
2	<p><b>277-модда. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш</b></p> <p>Фуқаровий даъво қўзғатилган ҳолларда содир этилган қилмиш оқибатида шахсга мулкий зиён етказилган деб ҳисобласа, уни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарорнинг ёки ажримнинг нусхаси даъвони қўзғатган шахсга ёки унинг вакилига тақдим этилади. Бунда фуқаровий даъвогарга ушбу Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган хуқуқ ва мажбуриятлар, фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш рад қилинган шахсга эса, қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.</p>	<p><b>277-модда. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш</b></p> <p><b>Жиноят иши бўйича муайян шахснинг мулкий зиён кўрганлиги ва ундан хабарсиз эканлиги аниқланганда, мазкур шахсга бу ҳақида хабардор қилиниши ҳамда фуқаровий даъво қўзғатиш хуқуки тушунтирилиши шарт.</b></p> <p>Фуқаровий даъво қўзғатилган ҳолларда содир этилган қилмиш оқибатида шахсга мулкий зиён етказилган деб ҳисобласа, уни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарорнинг ёки ажримнинг нусхаси даъвони қўзғатган шахсга ёки унинг вакилига тақдим этилади. Бунда фуқаровий даъвогарга ушбу Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган хуқуқ ва мажбуриятлар, фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш рад қилинган шахсга эса, қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.</p>	ЖПК 277-моддаси шахсни фуқаровий даъвогар деб этироф этишга асос бўладиган ҳолатлар кўрсатилган. Фуқаровий даъво қўзғатиш учун жиноят ёки ақли норасо шахсни ижтимоий хавфли қилмиши туфайли шахс ўзининг зиён кўрганлигини билиши зарурдир. Лекин жиноят-процессуал қонуннинг бирор моддасида жиноят ёки ақли норасо шахснинг қилмиши туфайли мулкий зиён кўрган, лекин буни билмаган шахснинг хабардор қилиниши тўғрисида қоида белгиланмаган. Жиноят ишини юритишининг фуқаровий даъвога оид қисми доирасини белгилаш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ихтиёрига боғлиқ бўлиб қолган. Бу эса, амалиётда айрим ҳолларда кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда. Хатланаётган ёки эркин муомалада бўлиши тақиқланмаган мол-мulkга нисбатан бошқаларнинг хуқуқлари инобатга олинмасдан қолишига олиб келади. Мисол учун эрнинг жинояти учун хотинга тегишли бўлган мулк ҳам хатланади. Ёки жиноят қуроли сифатида ижара асосида фойдаланилган автомашинанинг ҳақиқий эгаси унинг хатланишидан хабар топмасдан қолади. Яна шундай ҳолатлар юз бериши мумкин-ки, лизинг шартномаси асосида қўлга киритилган лекин тўлиқ эгаликка ўтмаган мулклар хатланганида мулкни сотган шахслар (жумладан юридик шахслар) зиён кўриб қоладилар. Тўғри, уларнинг хуқуқлари фуқаролик суд ишлари тартибида ҳам ҳал қилиниши мумкин. Бироқ ортиқча харажат ва овворагарчиликка йўл қўйилади.
3	<b>Тўлдирилмоқда</b>	<b>285<sup>1</sup>-модда. Жиноят нарсаси, қуроли ва жиноий йўл билан орттирилган мол-</b>	Амалиётда жиноят нарсалари (мисол учун божхона қоидасини бузиб олиб кирилган

**мулклар топилган шахсга уларни сотиш**  
Суд фуқаролик муюмаласида бўлиши тақиқланмаган жиноят нарсаси, куроли ва жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни, уларнинг қонуний эгалари топилмаган ёки қайтарилишини талаб қилмаган тақдирда, ушбу мол-мулкни давлат фойдасига мусодара қилиш давлат учун аҳамиятсизлиги ёхуд улардан давлат эҳтиёжлари учун фойдаланиш кўп харажатларга сабаб бўлиши ҳақида хulosага келса, улар кимдан топилган бўлса, ушбу шахсларга бозор қийматида сотиш ҳақида суд томонидан қарор чиқарилиши мумкин.

Суд томонидан бундай қарор қабул қилиниши учун мазкур шахслар суд маслаҳатхонага киргунга қадар ариза билан мурожаат қилишлари ва сотиб олиш учун маблағларни тўлашнинг кафолатини тақдим этишлари шарт.

товарлар), жиноят қуроли ёки жиноий йўл билан орттирилган мол-мулклар хатланиши, сақланиши ва уларни сотиш орқали қилинган харажатлар ушбу мулкнинг қийматидан ҳам ошиб кетиши мумкин. Уларни эгасига қолдириб, маблағларини давлат фойдасига ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, яширин цехларни ташкил этиш орқали ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳолатлари аникланганда, уларни мусодара қилиш лозим бўлади. Аммо, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилиш сари қилинаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг равиша, улар фаолиятини қонунийлашиш, қолаверса, судланган шахс учун кимматли бўлган ускуналарни унинг ўзида қолдириш ва ҳақини ундириб олиш катта аҳамият касб этади.

Хорижий давлатлардан Швейцария қонунчилигига мусодара қилинадиган мулкдан давлатга фойда бўлмаса, унинг қийматини ундириш хусусида қарор қабул қилиш мумкин. Ушбу қоиданинги жобий жиҳати кўп. Бизнинг шароитдан келиб чиқиб, айрим вазиятларда мусодара қилинган мол-мулкни сақлаш ва сотиб, маблағларни давлат ҳисобига ўтказиш ушбу мулкнинг қийматидан ошиб кетади ёки аксинча “арзимас қиймат” давлат ҳисобига ўтказилади.

Швейцария 1937 йил 21 декабрдаги Жиноят кодексининг 58-моддасида жиноий харакатлар натижаси олинган даромадлар ёки уни содир этиш учун фойдаланилган мол-мулк обьектлари инсон хавфсизлиги, ахлоққа ёки жамоат тартибига таҳдид соладиган бўлса, мусодара қилиш хусусида қарор чиқариши мумкинлиги белгиланган. Бундан ташқари, судя мусодара

			қилинган ашёларни фойдасизга чиқариш ёки йўқ қилиб юборишга буюриши мумкин. Энг қизифи, мусодара килинадиган мулкдан давлатга фойда бўлмаса, унинг қийматини ундириш хусусида ҳам қарор қабул қилиш мумкин.
4	<p><b>290-модда. Мол-мулкни хатлаш</b></p> <p>Ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкини хатлаши шарт. Ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкни ўзлаштиришнинг, харж қилиб юборишнинг, яширишнинг, йўқ қилиб ташлашнинг ёки шикастлантиришнинг олдини олиш мақсадида ушбу мол-мулк ҳам хатланади.</p> <p>Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди.</p> <p>Турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, мулк шаклидан қатъи назар, давлатга хоинлик қилиш, конституциявий тузумга, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, терроризм, кўпорувчилик</p>	<p><b>290-модда. Мол-мулкни хатлаш</b></p> <p>Ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкини хатлаши шарт. Ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкни ўзлаштиришнинг, харж қилиб юборишнинг, яширишнинг, йўқ қилиб ташлашнинг ёки шикастлантиришнинг олдини олиш мақсадида ушбу мол-мулк ҳам хатланади.</p> <p><b>Бошқа шахсларнинг мулклари ушбу кодекснинг 285 ва 287-моддаларида назарда тутилган асосларда хатланади.</b></p> <p><b>Гумон қилинувчи, айбланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг хатланиши мумкин бўлган мол-мулки хатлашдан яшириш мақсадида бошқа шахсларга ўтказилганлиги хусусида далиллар етарли бўлса, ушбу мулклар ҳам хатланиши мумкин.</b></p> <p>Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди.</p> <p>Турар жойлар ёки яшаш учун</p>	<p>Жиноят-процессуал қонунчилик мазмунига кўра, шахс ашё мулкдорига айланаётган пайтда шу мулкни бераётган, ҳадя қилаётган, сотаётган шахс бу мулкни қандай қўлга киритланлигини билиш-бильмаслиги инобатга олинмайди. Ушбу ҳолат айрим вазиятларда мол-мулкни жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга қайтариш қоидаларини таъминлашга имкон бермайди. Сабаби мазкур мулкка эгалик қилишга ҳаммадан кўра, унинг ҳақиқий эгаси ҳақли ҳисобланади. Мулк хатланиши натижасида зарар кўрадиган жиноят алоқаси бўлмаган шахс унинг қийматини талаб қилиш хукуқини сақлаб қолади.</p> <p>Жиноят ишини гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жалб қилинган ёки жалб қилиниши эҳтимоли бўлган шахслар ўзларига тегишли бўлган мулкни бегоналаштирадилар. Лекин бу мулк жиноий йўл билан топилмаган бўлади. Бу пайтларда мазкур мулкларни хатлашнинг қонуний асоси йўқ. Фақат бегоналаштириш мақсади аҳамият касб этади. Агар шартнома сохта ёки хатлашдан яшириш мақсадида мулкни бошқа шахсга сотса, текин фойдаланишга берса, ҳадя қилса, ишнинг ҳақиқий холатларини инобатга олиб хатланиши мумкин.</p> <p>Суд-тергов амалиётида гумон қилинувчи, айбланувчи ва фуқаровий жавобгар мақомида бўлмаган шахсларнинг мулклари ёки улардаги мулк объектларини хатлашда фақат ЖПК 290-моддаси биринчи қисми қоидалари билан чеклаб</p>

жиноятлари содир этиш учун фойдаланилган ёхуд бу жиноятлар қасдан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик ёки бошқа оғир, ўта оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда — бу жойлар хатланади.

Хатлаш мулкдорга ёки мол-мulkни эгасига мол-мulkни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса, ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мulkни тортиб олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборатдир.

Мол-мulkни хатлаш суриштирувчининг ёки терговчининг қарори бўйича прокурор розилиги билан ёхуд бу тергов ҳаракатини бажаришни тергов органига топширишга ҳақли бўлган суднинг ажрими бўйича амалга оширилади. Кечикириб бўлмайдиган ҳолларда мол-мulkни хатлаш прокурорнинг розилигисиз ҳам амалга оширилиши мумкин, лекин кейинчалик йигирма тўрт соат ичида прокурор қарор ва баённома нусхаси илова қилинган ҳолда хабардор қилинади. Кечикириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчининг ёки терговчининг прокурорга юборилган хабарномасида асослантирилиши лозим.

Хатлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда у ким томонидан, қачон ва қайси иш бўйича чиқарилгани,

мўлжалланмаган жойлар, мулк шаклидан кати назар, давлатга хоинлик қилиш, конституциявий тузумга, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, терроризм, кўпорувчилик жиноятлари содир этиш учун фойдаланилган ёхуд бу жиноятлар қасдан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик ёки бошқа оғир, ўта оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда — бу жойлар хатланади.

Хатлаш мулкдорга ёки мол-мulkни эгасига мол-мulkни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса, ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мulkни тортиб олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборатдир.

Мол-мulkни хатлаш суриштирувчининг ёки терговчининг қарори бўйича прокурор розилиги билан ёхуд бу тергов ҳаракатини бажаришни тергов органига топширишга ҳақли бўлган суднинг ажрими бўйича амалга оширилади. Кечикириб бўлмайдиган ҳолларда мол-мulkни хатлаш прокурорнинг розилигисиз ҳам амалга оширилиши мумкин, лекин кейинчалик йигирма тўрт соат ичида прокурор қарор ва баённома нусхаси илова қилинган ҳолда хабардор қилинади. Кечикириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчининг ёки терговчининг прокурорга юборилган хабарномасида асослантирилиши лозим.

Хатлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда у ким томонидан, қачон ва қайси иш бўйича чиқарилгани, нима мақсадда ва

қолинмасдан қонунлар мазмунидан келиб, чиқиб ёндашиш кузатилади. Бироқ ЖПКда жиноят ишини юритиш муносабати билан мулки хатланадиган шахсларнинг рўйхати кўрсатилмаганилиги тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Бизнингча, ЖПКда гумон қилинувчи ва айбланувчи бўлмаган бошқа шахсларнинг мулкларини хатлашнинг фактик ва процессуал-ҳукукий асослари белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Амалиётда айрим вазиятларда мол-мulkка тақиқ қўйилаётгандан унинг кейинги тақдири, яъни унинг келажакда мусодара бўлиш эҳтимоли ёки бундай эҳтимолнинг мавжуд эмаслиliga етарлича аҳамият берилмайди. Мулк даҳсизлиги қоидаларини таъминлаш мақсадида, судга қадар иш юритиш босқичида жиноят ишининг кейинги босқичидаги мусодара бўлмайдиган жиноят қуроли ва нарсаси ҳисобланмайдиган ашёвий далиллар исбот қилишда далил сифатида мустаҳкамланганидан кейин оқилона муддатларда эгаларига (мулкдорларига) қайтарилиши лозим. Бундан ташқари, қонун ҳужжатлари, хусусан, ижро тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ мусодара қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мulk объектларидан далил сифатида фойдаланиш зарурати бўлмаган вазиятда уларни хатлаш мумкин эмас.

Ҳукуқ назариясида мавжуд ушбу қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида бевосита назарда

<p>нима мақсадда ва кимнинг мол-мулки хатланиши лозимлиги, фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланаётганда эса, хатланаётган мол-мулк суммаси ҳам кўрсатилади.</p> <p>Суриштирувчи ёки терговчи хукмнинг мулкий ундириш ёхуд мулкий йўсингдаги жазо қисмининг ижросини таъминловчи чораларни кўрмаган тақдирда, ишни юритаётган суд уларга бундай чораларни кўриш мажбуриятини юклайди.</p> <p>Мол-мulkни хатлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин суриштирувчи ёки терговчи томонидан гаров реестрига бир кун ичida тегишли ёзув киритилади, мол-мulkни хатлаш ҳақида суд ажрими чиқарилгандан кейин эса, қонун хужжатларига мувофиқ ваколатли бўлган органлар томонидан уч сутка ичida шундай ёзув киритилади.</p> <p>Фуқаровий даъвони қаноатлантирганда ёки бошқа мулкий ундиришларни кўллаётганда хукм қонуний кучга киргунига қадар, башарти олдин чора кўрилмаган бўлса, суд хукмнинг шу қисми ижросини таъминлайдиган чоралар кўриш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақлидир.</p> <p>Дипломатия ваколатхоналари биноларидаги ва дипломатия вакилларига қарашли мол-мulkни хатлашда ушбу Кодекснинг 165-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиниши лозим.</p>	<p>кимнинг мол-мulkни хатланиши лозимлиги, фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланаётганда эса, хатланаётган мол-мulk суммаси ҳам кўрсатилади.</p>	<p>тутилмаганлиги бальзан амалиётда хусусий мулк даҳлсизлигини бузиш ҳолатларига сабаб бўлмоқда.</p>
	<p>Шу мақсадда, келажакда мусодара этилиши мумкин бўлмаган мол-мulkларни хатлашга йўл қўйилмаслиги ҳамда мулкдорига, эгасига ва фойдаланувчисига қайтарилиши лозим бўлган мол-мulk объектлари жиноят иши тўхтатилганда дарҳол ва тугатилган тақдирда зудлик билан қайтаритилиши лозимлиги хусусида коида жорий қилиниши лозим.</p>	

	қоидаларга риоя қилиниши лозим.	<b>тергов қилишда мулкдорига, эгасига ва фойдаланувчисига қайтарилиши лозим бўлган мол-мулк обьектлари жиноят иши тўхтатилганда дарҳол қайтарилиши лозим.</b>	
5	<p><b>294-модда. Хатланган мол-мулкни олиб қўйиш ва сақлаш</b></p> <p>Хатланган мол-мулк олиб қўйилиб, сақлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд бошқа ташкилот вакилига топширилиши мумкин.</p> <p>Хатланган мол-мулк мулкдорга ёки мол-мулк эгасига, унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга сақлаб туриш учун қолдирилиб, унга ушбу мол-мулкнинг тўла-тўкис сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва бу ҳақда ундан тилхат олинади.</p> <p>Муомалада бўлиши ман қилинган ашёлар ҳар қандай ҳолларда ҳам олиб қўйилиши керак. Уларни сақлаш тартиби қонун билан белгиланади.</p> <p>Банк муассасаларида сақланаётган пуллар, шунингдек давлат заёми облигациялари, акциялар ва бошқа кимматли қоғозлар олиб қўйилмайди, лекин мол-мулк хатлангани тўғрисидаги қарорни ёки ажримни олиш биланоқ, уларни харжлаш операциялари тўхтатиб қўйилади.</p>	<p><b>294-модда. Хатланган мол-мулкни олиб қўйиш ва сақлаш</b></p> <p>Хатланган мол-мулк олиб қўйилиб, сақлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд бошқа ташкилот вакилига топширилиши мумкин.</p> <p>Хатланган мол-мулк мулкдорга ёки мол-мулк эгасига, унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга сақлаб туриш учун қолдирилиб, унга ушбу мол-мулкнинг тўла-тўкис сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва бу ҳақда ундан тилхат олинади.</p> <p><b>Мол-мулк хатлашда унинг бутлигини (яроқлилигини) ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳукуқини чеклаш орқали таъминлашга эришиб бўлмасагина мазкур чора қўлланилади.</b></p> <p>Муомалада бўлиши ман қилинган ашёлар ҳар қандай ҳолларда ҳам олиб қўйилиши керак. Уларни сақлаш тартиби қонун билан белгиланади.</p> <p>Банк муассасаларида сақланаётган пуллар, шунингдек давлат заёми облигациялари, акциялар ва бошқа кимматли қоғозлар олиб қўйилмайди, лекин мол-мулк хатлангани тўғрисидаги қарорни ёки ажримни олиш биланоқ, уларни харжлаш операциялари тўхтатиб қўйилади.</p>	<p>Мол-мулкни хатлашнинг усулини танлаш, мулк ҳукуқи билан қандай ҳукуқларнинг чеклаш масаласини ҳал қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг хоҳиш иродасига боғлик. Ҳамма вақт ҳам терговчилар ўзлариниг қасбий манфаат нуқтаи назаридан оғирроқ усулни қўллашга, имкони борича мол-мулкни олиб қўйиш, ундан фойдаланишни батамом чеклаб қўйиш тарзидаги хатловни қўллашларига имкон бермоқда. Бундай амалиётга барҳам бериш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мол-мулк хатлашда унинг бутлигини (яроқлилигини) ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳукуқини чеклаш орқали таъминлаш эришиб бўлмасагина мазкур чора қўлланилиши хусусида қоида киритилиши лозим.</p>

6	<p><b>295-модда. Мол-мулк хатланганлигини бекор қилиш</b></p> <p>Оқлов хукми қонуний кучга кирганды, жиноят иши тугатилганды, шунингдек фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинади. Бунда гаров реестридан мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги ёзув чиқариб ташланади.</p>	<p><b>295-модда. Мол-мулк хатланганлигини бекор қилиш</b></p> <p>Оқлов хукми қонуний кучга кирганды, жиноят иши тугатилганды, шунингдек фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинади. Бунда гаров реестридан мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги ёзув чиқариб ташланади.</p> <p><b>Жиноят ишини юритиша фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ёки унинг даъвоси қаноатлантирилганда мол-мулкнинг хатланганлигини бекор қилиш хусусида суриштирувчи, терговчи прокурор қарор ёки суд ажрим чиқаради.</b></p> <p><b>Жиноят ишлари тўхтатилганда ишга алоқадор бўлмаган шахсларга тегишли мол-мулкнинг хатланганилиги ёки гаровга қўйилганлиги бекор қилиниши лозим.</b></p>	<p>Мол-мулкни хатлашни бекор қилишнинг процессуал таритибини қонунда аниқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Бу: биринчидан, кўплаб тушунчовчиликларнинг олдини олинади. Жиноят иши оқлов хукми ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан тугатилганды шу хужжатларнинг ўзи билан мол-мулк хатланишидан чиқарилиши мумкин. Лекин жиноят ишида фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинганда алоҳида қарор чиқарилишини назарда тутувчи норма мавжуд эмас. Шунинг учун жиноят ишини юритиш давомида фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлигини бекор қилиш хусусида қарорлар қабул қилиш хусусидаги норма жорий этилиши лозим.</p> <p>Қонунчиликда тақиқ қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдири жиноят ишини юритиш тамом бўлгандан кейин ҳал қилиниши белгиланган. Бироқ, жиноят ишларини юритишининг миллий шаклида жиноят ишини юритишни тўхтатиш ҳаракати мавжудки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 64-моддасида назарда тутилган қоидалар асосида, амалиётда кўп ҳоллар узок муддатда, хаттоқи айrim вазиятларда чекланмаган муддатда иш юритишга танаффус эълон қилинади. Мол-мулкка тақиқ қўйилишига ёки гаровга қўйилишига ёхуд олиб қўйилишига сабаб бўлган</p>
---	---	--	--

жиноят иши тўхтатилганда, унинг тўхтатилган даврида мулкдор, мулк эгаси ва фойдаланувчиларнинг хуқуқлари чекланганлигича қолади. Хусусан, тадбиркорлик субъекларнинг мулклари узок муддатда хатланганда уларнинг мулкдан фойдалиншдан ташқари, уларни ихтиёрий тутагиши ва қайта ташкил этиши вақтида уларнинг мол-мулкдан воз кечишига ундайдиган муаммолар келиб чиқади. Энг ачинарлиси, хатлаб қўйилган мулкнинг сақлаш харажатлари ундан фойдалана олмайдиган мулкдор ҳисобидан амалга оширилади.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят –процессуал кодексига жиноят ишлари тўхтатилганда бошқалар тегишли мол-мулкнинг хатланганилиги ва гаровга қўйилганлиги бекор қилиниши лозимлиги хусусида қоида киритилиши лозим.

Бундай ўхшаш қоида Белорусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 132-моддасида мавжуд. Бу бурода бизнинг қонунларимизга яқин бўлган Россия Федерациясида шундай тажриба мавжуд. Хусусан,. РФ Конституциявий судининг фуқаро Л.И. Костареванинг шикояти асосида 2013 йил

7 февралдаги Ажримида гумон қилинувчининг яшириниши асосида тўтатилган жиноят ишлари бўйича бошқа шахсларга тегишли мулкларни хатлашни назарда тутувчи қоида (РФ ЖПК 115-моддаси) конституцияга хилоф деб топилган.)

7	<p><b>577-модда. Суд ажрими</b></p> <p>Кейинчалик рухий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахс содир этган жиноят тўғрисидаги ёки ақли норасолик ҳолатида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ҳақидаги иш бўйича суд мажлисида чиқарилган суд ажрими қўйидаги қоидалар асосида тузилади.</p> <p>Суд ажримнинг кириш қисмida иши кўрилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, турар жойи, иш жойи, машғулот тури, маълумотини ва шахси тўғрисидаги иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотларни кўрсатади.</p> <p>Ажримнинг тавсиф-асослаш қисмida суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки қўлламаслик учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни баён қилади, шу чорани қўллашни тақозо қиладиган, шубҳа остига қўядиган ёки унга монелик қиладиган далиллар келтиради. Шундан сўнг ажримда суд ушбу Кодекснинг 576-моддасида санаб ўтилган масалаларга ўзининг жавобларини ифодалайди.</p> <p>Ажримнинг хulosса қисмida суд қўйидаги қарорлардан бирини баён қилади:</p> <p>1) шахсни жиноят содир этган, кейинчалик унда рухий ҳолатининг бузилиши юзага келган деб эътироф этиш ёхуд уни ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топиш тўғрисида, шунингдек бу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида;</p>	<p><b>577-модда. Суд ажрими</b></p> <p>Кейинчалик рухий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахс содир этган жиноят тўғрисидаги ёки ақли норасолик ҳолатида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ҳақидаги иш бўйича суд мажлисида чиқарилган суд ажрими қўйидаги қоидалар асосида тузилади.</p> <p>Суд ажримнинг кириш қисмida иши кўрилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, турар жойи, иш жойи, машғулот тури, маълумотини ва шахси тўғрисидаги иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотларни кўрсатади.</p> <p>Ажримнинг тавсиф-асослаш қисмida суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки қўлламаслик учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни баён қилади, шу чорани қўллашни тақозо қиладиган, шубҳа остига қўядиган ёки унга монелик қиладиган далиллар келтиради. Шундан сўнг ажримда суд ушбу Кодекснинг 576-моддасида санаб ўтилган масалаларга ўзининг жавобларини ифодалайди.</p> <p>Ажримнинг хulosса қисмida суд қўйидаги қарорлардан бирини баён қилади:</p> <p>1) шахсни жиноят содир этган, кейинчалик унда рухий ҳолатининг бузилиши юзага келган деб эътироф этиш ёхуд уни ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топиш тўғрисида, шунингдек бу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида;</p>	<p>Таклиф қилинаётган норма мулкий зиённи ундириши фуқаролик судларига ҳавола қилишдан келиб чиқадиган ортиқча овворагарчилик ва судлар иш ҳажмининг сунъий равища ошишининг олдини олади.</p> <p>Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир ишларни юритишида мулкий зиённи кўриш ишларнинг тезкорлигини таъминлайди.</p> <p>Конун чиқарувчининг мусодара қилишни ҳукуқий оқибат сифатида белгилаш билан боғлиқ бундай позицияни Норвегия жиноят қонунчилигида кўриш мумкин. Норвегия жиноят ҳукуқининг бир хусусияти, биринчидан, жиноят тушумини сотиб олиш жиноий қилмиш натижасида олинган ҳар қандай даромад олиб қўйилиши шарт, деб кўрсатилган. Қолаверса, конун бузувчиси рухий касалликка чалиниб, жазоланмаса ёки айб исботланмаса ҳам, мазкур чора қўлланилиши мумкин. (Норвегия Жиноят кодекси 34 -§).</p>
---	---	---	--



*мартибида ҳал этилаоди.*

Рухий ҳолати бузилган ва умумий асосда даволанишга муҳтож бўлган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритиш тугатилган тақдирда, суд бу ҳақда шахснинг турар жойидаги соғлиқни сақлаш органига дарҳол хабар қиласди.


## **ТАДҚИҚОТ ЙОЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВЛАР ВА УЛАР НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.**

**1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 277-моддаси биринчи қисмини “Жиноят иши бўйича шахснинг мулкий зиён қўрганлиги ва ундан хабарсиз эканлигини аниқланганда, ушбу шахс хабардор қилиниши ва даъво қўзғатиш ҳуқуқининг мавжудлиги тушунтирилиши шарт” деган жумла билан тўлдиришга муносабатингиз?**

**Билдирилган фикрлар  
(ўзбек ва рус тилларида). - 401 та**

Шулардан:

- |               |       |
|---------------|-------|
| қўшиламан     | - 87% |
| қўшилмайман   | - 10% |
| жавоб бершига |       |
| қийналаман    | - 3%  |





**2. Жиноят ишларини тергов қилишда эгасига ва фойдаланувчисига қайтарилиши лозим бўлган мол-мулк объектлари жиноят иши тўхтатилганда дарҳол қайтарилиши лозимлиги хусусидаги таклифга муносабатингиз?**

**Билдирилган фикрлар  
(ўзбек ва рус тилларида) - 417 та**

Шулардан:


- |               |       |
|---------------|-------|
| қўшиламан     | - 62% |
| қўшилмайман   | - 35% |
| Жавоб бершига |       |
| қийналаман    | - 3%  |



**3. Маънавий зарарни ундириш чоралари самарадорлигини таъминлашмақсадида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиб, ушбу масалани жиноят процессида кўриб чиқиш лозимлиги хусусидаги таклифга муносабатингиз?**

**Билдирилган фикрлар  
(ўзбек ва рус тилларида). - 309 та**  
Шулардан:


<i>Кўшиламан</i>	- 72%
<i>Кўшилмайман</i>	- 24%
<i>Жавоб бершига қийналаман</i>	- 4%



**4. Жиноят-процессуал кодекси 294-моддасини “Мол-мулк хатлашда унинг бутлигини (яроқлигини) ушбу мол-мулқдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш орқали таъминлаш эришиб бўлмасагина мазкур чора қўлланилади”, деган мазмундаги учичнчи кисм билан тўлдиришга муносабатингиз?**

**Билдирилган фикрлар  
(ўзбек ва рус тилларида). - 257 та**  
Шулардан:

<i>Кўшиламан</i>	- 74%
<i>Кўшилмайман</i>	- 20%
<i>Жавоб бершига қийналаман</i>	- 6%



**5. Жиноят ишини юритиш давомида фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ёки унинг даъвоси қаноатлантирилганда мол-мулкнинг хатланганигини бекор қилиш хусусида суриштирувчи, терговчи прокурор қарор ёки суд ажрим чиқариши шартми?**

**Билдирилган фикрлар  
(ўзбек ва рус тилларида).** - 326 та

Шулардан:

<i>Ҳа</i>	- 82%
<i>Йўқ</i>	- 17%
<i>Жавоб беришга қийналаман</i>	- 2%

Бош прокуратура Академияси

1 280 подписчиков

**Закреплённое сообщение**

Видео, Ёшлар коррупцияга қарши! — Молодёжь против

**Бош прокуратура Академияси**

Жиноят ишини юритиша фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ёки унинг даъвоси қаноатлантирилганда мол-мулкнинг хатланганигини бекор қилиш хусусида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд қарор чиқариши шартми?

Анонимный опрос

78% Ҳа

20% Йўқ

2% Жавоб беришга қийналаман

201 голос

726 11:48

**Бош прокуратура Академияси**

Обязательно ли вынесение дознавателем, следователем, прокурором или судом решения об отмене ареста имущества, в случае отказа истца от иска или удовлетворении его исковых требований?

Анонимный опрос

86% Да

12% Нет

2% Затрудняюсь ответить

125 голосов

668 11:49

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси Академияси  
бошлиғи  
адлия катта маслаҳатчиси  
**Е.В Коленкога**

Магистратура бўлими  
Прокурорлик фаолияти  
йўналиши тингловчиси  
**Н.А.Полвоновдан**

## Б И Л Д И Р Г И

**22.04.2020** йил

**Тошкент шаҳри**

Магистрлик диссертация иши бўйича Ўзбекистон Республикасида 2018-2019 ва 2020 йил апрель ойига қадар жиноят ишлари юзасидан олиб қўйилган, хатланган, сотилган ва йўқ қилинган мол-мулклар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросидан статистик маълумотларни олишда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

**Прокурорлик фаолияти**  
**йўналиши тингловчиси**

**Н.А.Полвонов**





**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ХУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ  
ИЖРО БЮРОСИ**

100084, Тошкент ш., Халқобод кӯчаси, 2A

**Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратура  
академиясига**

2020 йил «30» апрель

№10-1/4-19- 637

26.04.2020 йилдаги  
7-283739/20-сонли билдириг юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2009 йилдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мulkни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги 200-сонли қарорига асосан 2018-2019 йиллар ва 2020 йилнинг апрель ойига кадар жиноят ишлари бўйича судлар томонидан давлат даромадига ўтказиш, эгасига қайтариш ҳамда йўқ қилиб ташлаш билан боғлик ижро хужжатлари ижроси тўғрисидаги статистик маълумотлар жадвали илмий-тадқикот фаолияти учун иловага мувофиқ юборилмоқда.

Илова: жадвал 3 варакда.

**Бюро директори ўринбосари  
адлия катта маслаҳатчиси**

**Ш.Б.Хайдаров**

Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2009 йилдаги 200-сон жарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ижро хужжатлари юзасидан  
статистик

2018 йил		Жами иш горитувидаги ижро хужжатлари		Тамомланган ва тутатилган ижро хужжатлари		Шундан Амалда ундирилган		Кейинги ой болига колдик ижро хужжатлари		минг. сўмда	
		СОНИ	СУММАСИ	СОНИ	СУММАСИ	СОНИ	СУММАСИ	СОНИ	СУММАСИ	СОНИ	СУММАСИ
ВМининг 15.07.2009 й. 200-сонлии жарори бўйича жами	47 858	658 935 645,5	39 376	533 742 922,6	36 772	415 406 715,2	8 482	125 192 722,9			
Йўқ килиш тўғрисида эгасига кайтариш т-да	5 788	13 986 236,7	5 538	13 814 655,1	5 519	13 722 947,1	250	171 581,6			
III текинга бериш тўғрисида	4 644	56 902 497,5	4 290	51 117 415,2	4 279	40 156 301,2	354	5 785 082,3			
	162	12 158 379,7	159	12 158 079,7	159	12 158 079,7	3	300,0			

Вазирлар Махкамасининг 15.07.2009 йилдаги 200-сон карори билан тасдиқланган Низомтга мувофик ижро хужжатлари юзасидан статистик

### М А Ъ Л У М О Т

2019 йил	Жами иш юритувидаги ижро хужжатлари		Тамомланган ва тутатылган ижро хужжатлари		Шундан		Кейинги ой бошига колдик ижро хужжатлари	Минг. сумда
	СОНИ	СУММАСИ	СОНИ	СУММАСИ	СОНИ	СУММАСИ		
ВМНИНГ 15.07.2009 й. 200- сонли карори бўйича жами	49 525	1 086 173 819,8	40 984	932 629 186,2	39 760	778 319 578,2	8 541	153 544 633,5
И йўк клииш тўгрисида	9 470	16 501 186,0	9 022	16 491 800,4	8 795	16 483 367,9	448	9 385,6
Эгасига кайтариш т-да	7 854	300 821 094,9	7 134	298 168 919,1	7 066	298 098 796,1	720	2 652 175,8
Текинга бериш тўгрисида	141	103 515 704,2	135	103 512 573,0	135	103 512 573,0	6	3 131,2

Базирлар Махкамасининг 15.07.2009 йилдаги 200-сон жарори билан тасдиқланган Низомотга мувоффик ижро хужжатлари юзасидан  
статистик

МАЛУМОТ						МИНГ. СҮМДА
2020 йил 3 ой	Жами иш юритувидаги ижро хужжатлари		Тамомланган ва тутатылган ижро хужжатлари		Пундан	Кейинги ой бопшига көлдик ижро хужжатлари
	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
ВМинистр 15.07.2009 й. 200- сонли жарори бүйнча жами	19 114	200 717 479,2	8 998	52 613 949,1	8 906	39 641 773,8
ИЖРЭНДІРІЛГЕЛІК Йўқ килиш тўрисида	3 112	2 093 813,6	2 671	2 070 333,0	2 659	2 070 333,0
Этасига кайтариш т-да	2 161	6 887 209,4	1 393	3 754 778,4	1 384	3 651 603,4
ИЖРЭНДІРІЛГЕЛІК текинча бериш тўрисида	27	14 401,2	22	11 270,0	22	11 270,0
					5	3 131,2